

СОЛИҚ ва ХАБАРЛАРИ БОЖЖХОНА

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 24 (1348) • 2020 йил 16 июнь

ISSN 2010-524X

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

УШБУ СОНДА

Декларация–2019.
Хатолар бўлса,
тузатайлик

2-бет

Мақомингизни
билинг. Кимлар
«кичиклар» сафида?

3-бет

Чегириладиган ва
чегирилмайдиган
харажатларга доир

4-бет

Қонун ҳужжатларида
қандай янгиликлар
бор?

5-12-бетлар

Бир туманда
рўйхатдан ўтган,
бошқа туманда мулки
жойлашган...

13-бет

Тайёр маҳсулот
қайтарилишининг
бухгалтерия ҳисоби

14-бет

ШАРТНОМА
ТУЗИЛМАГАН БЎЛСА,
ҚАРЗНИ ҚАНДАЙ
УНДИРИШ МУМКИН

Экспертимиз
ноқулай вазиятларда
қандай йўл тутиш
лозимлигини
ўргатади

15-16-бетлар

СОЛИҚ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 5.06.2020 йилдаги 359-сон қарори билан солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди (ҳужжат матни «СБХ» мазкур сонининг ҳужжатлар пакетида берилмоқда).

Қарор билан Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси, шунингдек уни амалга ошириш бўйича комплекс чоралар тасдиқланди.

Стратегияда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- маълумотларни қайта ишлаш маркази ва телекоммуникация қурилмаларини модернизация қилиш;
- сервер ва дастурий таъминотлар харид қилиш;
- ахборот тизимлари мажмуини ягона платформага ўтказиш;
- электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш;
- қатга ҳажмдаги маълумотларни тезкор таҳлил қилиш тизимларини йўлга қўйиш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш натижасида бюджетга қўшимча тушумлар ҳажми 20 трлн сўмгача ортиши кутилмоқда.

Ҳозирги вақтда тизимнинг маълумотлар алмашиш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолари мавжуд, жумладан:

- мавжуд маълумотлар базаси ҳажмининг етарли эмаслиги;
- серверлар хотира ҳажмининг 90% бандлиги;
- электрон хизматлар сони 3,8 барабарга, ахборот тизимлар сони 2,5 барабарга ортиши натижасида корпоратив тармоқ тезлигини ошириш зарурати юзага келганлиги;
- турли ахборот тизимларининг интеграциялашуви натижасида маълумот-

лар базасида қатга юкланиш ҳосил бўлганлиги;

- ягона платформа мавжуд эмаслиги.

Маълумотларни қайта ишлаш марказини модернизация қилиш доирасида:

- маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тезлиги 10 барабаргача оширилади;
- маълумотлар базасидаги ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш даражаси 100% ошади, ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш ҳамда маълумотларни хавфсиз ва ишончли сақлаш имкониятлари кенгайтирилади;
- маълумотлар базаси ҳажми 1 петабайтгача етказилади.

Business Intelligence ва Big Data технологияларини жорий этиш Стратегиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида киритилган. Уларни жорий этиш натижасида:

- қатга ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш тизимларини кенгайтириш;
- хуфийёна айланмалар даражасини кескин қисқартириш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш;
- марказлашган тизимлар орқали шаклланган маълумотларни қайта ишлаш натижасида бозор конъюктурасини ўрганиш, товар ва хизматларнинг бозор нархларини таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш имкониятини яратиш;
- ходимларнинг 50-60%ида маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланиш имконияти пайдо бўлади.

Солиқ органларининг ахборот тизимлари мажмуи тўлиқ ягона платформага ўтказилиши:

- маълумотларни киритиш, тўплаш, таҳлил қилиш тизимларини оптимallasштирилади;
- маълумотлар базасидаги қатга юкланишларнинг олдини олади;

- солиқ тўловчиларнинг ҳисобот топшириш жараёнини 5-7 барабаргача енгиллаштирилади;

- солиқ маъмуриятчилиги ва назоратининг муғлақо янги тизимини яратиш, шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини олиш чораларини қўллашга имконият яратлади.

Солиқ маъмуриятчилигида бизнес жараёнларни автоматлаштирилиши бизнес жараёнга сарфланган умумий вақтни 20-30%га қисқартиради.

Шунингдек, Стратегияда солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштирадиган Case Management System, Case Assessment System тизимларининг яратиши назарда тутилган: солиқ аудити автоматик шаклда ўтказилади, мониторинг қилиш, маълумот ва таҳлиллардан фойдаланиш - реал вақт режимида амалга оширилади.

Солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари ва уларнинг мобил йловалари сонини кўпайтириш эса солиқ хизмати ходимлари билан муносабатларда инсон омилини 60%га қисқартиради. Бу нафақат коррупциянинг олдини олади, балки қоғоз шақлидаги ҳужжат ишларини ҳам кескин камайтиради.

Қарор билан солиқ хизмати органларининг бошқа вазирлик ва идоралар билан ахборот алмашинув тизимлари сонини ошириш ҳам назарда тутилган. Бу чоралар солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари ҳисобини юритишга оид йирик ҳажмдаги ахборотларни электрон тарзда олиш, таҳлил қилиш ва солиқ солиш базасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 6.06.2020 йилдан қучга кирди.

ҚАНДАЙ АХБОРОТ СОЛИҚ СИРИ ҲИСОБЛАНАДИ

Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 30.05.2020 йилда 3237-сон билан рўйхатдан ўтказилган, ҳужжат матни «СБХ» мазкур сонининг ҳужжатлар пакетида берилмоқда) билан Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом қуйидагиларни белгилайди:

- солиқ тўловчи тўғрисидаги қайси ҳисоб маълумотлари солиқ сирини ташкил этиши;

- солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни қайси учинчи шахсларга ва қай тарзда тақдим этиш мумкинлиги;

- айрим солиқ тўловчилар (тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахслар, махсус иқтисодий зоналарнинг (МИЗ) иштирокчилари, адвокатлар хайъатлари, адвокатлик фирмалари ва бюрослари) тўғрисидаги маълумотлар таркибини.

Солиқ тўловчи тўғрисида ҳисоб маълумотлари дегадда солиқ органларига у томонидан тақдим этилган маълумотлар, шунингдек СКнинг 133-моддасида назарда тутилган тартибда давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари

томонидан тақдим этилган маълумотлар тушунилади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари таркиби СКнинг 132-моддасида белгиланган.

Солиқ органларига у томонидан тақдим этилган солиқ тўловчи тўғрисида ҳисоб маълумотлари, шунингдек органлар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар Низом билан солиқ сирини ўз ичига олган ва олмаган маълумотларга ажратилган.

Низомга мувофиқ қуйидаги маълумотлар солиқ сирини ҳисобланади:

- Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан олинган кўчирма, бундан солиқ сирини ҳисобланмайдиган маълумотлар мустасно;

- ички ишлар органларидан олинган паспорт маълумотлари;

- кўчмас мулк ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи маълумотлар, шунингдек унинг эгалари тўғрисидаги маълумотлар;

- табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашни амалга оширувчи органлардан олинган лицензия ва рухсатномадан тўғрисидаги маълумотлар;

- сув ресурсларини ҳисобга олишни амалга оширувчи органлардан олинган ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув

16-бетда

МОДДИЙ ЁРДАМГА СОЛИҚ СОЛИШДАГИ ХАТОЛАР—2019

Айни пайтда 2019 йил учун жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш давом этмоқда. Солиқ инспекторлари солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган ахборотларни текшириш асносида моддий ёрдамга солиқ солиш билан боғлиқ жуда кўп хатоларни аниқлашмоқда. Юнусобод туман ДСИ бош солиқ инспектори Низомитдин СУЛТОНОВ нима-ларга эътибор қаратиш лозимлиги ва йўл қўйилган хатоларни қандай тuzатиш мумкинлиги ҳақида гапириб берди.

— «2019 йилда ЖШДС ягона ставка — 12% бўйича ҳисоблаб чиқарилганлигига қарамай (2007 йил тахриридаги СК 181-м. 1 қ.), афсуски, нотўғри ҳисоб-китоблар жуда кўп учрамоқда. Текширувларга нисбатан учинчи йил амал қилаётган мораторий бухгалтерлар зийраклигини усайтирди.

Бирок бухгалтерлар шуни унутмасликлари лозимки, солиққа оид низолаб бўйича даъво қилиш муддати солиқ даври тугагандан кейин 5 йилни ташкил этади. ЖШДС бўйича солиқ даври 1 йилни ташкил этади. Бинобарин, 2019 йилда ЖШДС ҳисоб-китобида йўл қўйилган хато 2024 йилга қадар ҳар қандай текширув доирасида аниқлашни мумкин. Агар хатони бухгалтернинг ўзи аниқлаб, уни тuzатса, жарима санкциялари қўлланилмайди.


Шунингдек эслаб ўтмоқчиман, 2019 йил учун ҳисоб-китобларни текшириш чоғида 2007 йил тахриридаги Солиқ кодексига амал қилиш лозим. Бу — муҳим, сабаби 2007 ва 2020 йиллардаги кодекслар нормаларида жиддий фарқлар мавжуд, улар ҳақида биз алоҳида материалда сўз юритамиз.

Тушунчаларни чалкаштириш

Солиқ агенти (иш берувчи) моддий ёрдам ҳисобланмайдиган тўловларни моддий ёрдам деб атайдиган вазиятларга етарлича кўп дуч келинади. Баъзида бунга эътиборсизлик сабаб бўлса, бошқа вазиятларда бу қасдан қилинади, чунки белгиланган миқдорлардаги моддий ёрдамга ЖШДС солинмайди-да.

Хусусан, таътилга кўшимча тўловларни, байрамларга мукофот ва совғаларни шундай «ниқоблаш»га уринилмоқда. Бироқ шуни унутмаслик жоизки, ушбу барча тўловларга солиқ солиш учун 2007 йил тахриридаги СКда (171-180-моддалар) солиқ солишнинг алоҳида қоидалари назарда тутилган ва инспектор текшириш чоғида ҳар доим тўловларнинг амалий моҳияти ва қонун ҳужжатлари нормаларидан келиб чиқади.

2007 йил тахриридаги СКнинг 178-моддасида моддий ёрдам тушунчасига таъриф берилган, 179-моддада эса унга ЖШДС солинганда назарда тутилаётган имтиёзлар келтириб ўтилган.



Моддий ёрдам тури	ЖШДС солинмайдиган моддий ёрдам миқдори
1. Фақулудда ҳолатлар муносабати билан	Тўлиқ
2. Вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга	ЭКИХнинг 12 бараваригача
3. Ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ	2019 йил учун ЭКИХнинг 12 бараваригача
4. Бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан	
5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги	

Президентнинг «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон) ва «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги (12.07.2019 йилдаги ПФ-5765-сон) фармонлари билан 2019 йил 1 августдан бошлаб ЭКИХ ўрнига МХЭКМ тушунчаси киритилди ва унинг 634 880 сўм миқдоридagi қиймати белгиланди. 2019 йил 4 декабрда ЎРҚ-586-сон Қонун қучга кирди, у билан миқдорларни ҳисоблашнинг янги формуллари белгиланди. Агар қайта ҳисоб-китоб қилинмайдиган моддий ёрдам миқдори ЭКИХнинг 12 баравари формуласига эга бўлган бўлса, ўзгартиришлар муносабати билан у МХЭКМнинг 4,22 баравари кўринишига эга бўлди. Пул ифодасида Қонун қабул қилинган пайтда бу тенг суммалар бўлган.

Белгиланган миқдорлардан ортиқча моддий ёрдам сифатида тўланган суммаларга умумий асосларда солиқ солиниши лозим.

МХЭКМнинг қайси миқдорини қўллаш лозим

Ҳагто тажрибали бухгалтерлар кўпинча 2007 йил тахриридаги СКнинг 186-моддасида назарда тутилган нормани эътибордан кочиришади, унга

кўра меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг қаррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун МХЭКМнинг жорий йил 1 январидagi ҳолати инобатга олинади. Яъни 2019 йил учун имтиёзларни ҳисоблаб чиқаришда ҳатто ЭКИХ йил давомида оширилган тақдирда ҳам биз унинг 2019 йил 1 январдаги ҳолати бўйича қийматини — 202 730 сўмни қўллашимиз (13.10.2018 йилдаги ПФ-5553-сон Фармон).

ШЖБПХ билан чалкашлик

Ҳисоб-китобларда бухгалтерлар кўпинча ШЖБПХга бадалларнинг умумий ҳисобланган ЖШДС таркибига киришини эътибордан кочиришади. Баъзан бу айрим бухгалтерлик дастурлари интерфейсининг хусусияти билан боғлиқ, улар ШЖБПХни «шу жумладан» эмас, балки «ташқари» ҳисоблашади. Натижада ҳисобланган солиқнинг сунъий равишда оширилгани келиб чиқади.

Хатони қандай тuzатиш мумкин

Агар хатолар декларациялашга тақдим этилган маълумотларда аниқланса, бухгалтер ўзи тuzган маълумотномада маълумотларни тuzатишга тўғри келади. Бу 2007 йил тахриридаги СКнинг 43-моддаси мазмунидан келиб чиқади.

Бунда ўз ҳисоб-китобларида хатоларни аниқлаган барча бухгалтерлар 2007 йил тахриридаги СКнинг 120-моддасига амал қилган ҳолда 2019 йил учун ЖШДС бўйича ҳисоботларни қайта ҳисоб-китоб қилишлари ва қайта топширишларига тўғри келади. Агар хато солиқлар тўлиқ тўланмаслигига олиб келган бўлса, бюджетга ва ШЖБПХга кўшимча тўловни амалга ошириш, шунингдек пеняни тўлаш зарур бўлади. Агарда хато натижа-сида солиқлар қарагидан ортиқча тўланган бўлса, юзага келган фарқни келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олиш мумкин».

УШБУ СОНДА:

- **ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Солиқ тизимини рақамли ривожлантириш стратегияси қабул қилинди
- Қандай ахборот солиқ сири ҳисобланади **1, 16-бетлар**
- **МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ**
- Моддий ёрдамга солиқ солишдаги хатолар-2019
- Кичик қорхоналар: 2020 йилдаги имтиёз ҳуқуқлари **2-3-бетлар**
- **БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**
- Фойда солиги: чегирилмайдиган ва чегирилмайдиган харажатлар **4-бет**
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармоялари:

- «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»;
- «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»;
- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**
- «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
- «Қишлоқ жойларда кўп квартирли уй-жойларни куришда тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
- **Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат**
- ЎЗР ДСКнинг «Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларининг айрим топфалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори **5-12-бетлар**
- **СОЛИҚ СОЛИШ**
- Норезидентларга туристик хизматлар: ҚҚС бўйича имтиёз

- Фозисиз қарздан олинган даромадга солиқ солинмайди
- Солиқлар ва ҳисоботлар — мол-мулк жойлашган жой бўйича
- Ҳисоб-китобда ҳисобварақ-фактура сана-си бўйича акс эттириш **13-бет**
- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**
- Бошқарувчи компания учун имтиёзлар мавжуд эмас
- Тайёр маҳсулотнинг қайтарилиши - ҳисоби ва ҳисоботда акс эттирилиши
- Ижара тўловини бегараз тўлаб беришнинг солиқ оқибатлари
- Ҳисобварақ-фактура ва солиштирма да-лолатнома суммаларидаги тафовут ҳисобда қандай акс эттирилади **14-бет**
- **ДИРЕКТОР УЧУН ШПАРГАЛКА**
- Шартнома тuzылмаган бўлса, қарзни қандай ундириш мумкин **15-16-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белги-лангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахслар-га бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа маъналарда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrligi» МЧЖ билан тuzилган шартнома асосида йўл қўйилади.

КИЧИК КОРХОНАЛАР: 2020 ЙИЛДАГИ ИМТИЁЗ ҲУҚУҚЛАРИ



Охириг уч ой давомида пандемия шароитларида бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган Президентнинг тўртта – 19.03.2020 й. 5969-сон, 3.04.2020 й. 5978-сон, 27.04.2020 й. 5986-сон ва 18.05.2020 й. 5996-сон – фармони қабул қилинди. Уларда белгиланган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларининг аксарият қисми кичик тадбиркорлик субъектларига мўлжалланган. Корхонангиз микро ва кичик бизнесга тегишли эканлигини аниқлашда қандай қилиб хатога йўл қўймаслик борасида молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ маслаҳат беради.

– Кичик корхона мақомини аниқлашда унинг ИФУТ коди ва ходимларнинг ўртача йиллик сони (*Таснифлагич, 24.08.2016 йилдаги 275-сон ВМК, 1-илова*) ягона мезонлар ҳисобланади. Бунда қуйидаги қоидалардан келиб чиқиш лозим:

1) ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиқиб аниқланади;

2) ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади;

3) юридик шахсни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритишда ходимларнинг асосий (профил) фаолият турига тўғри келадиган сони мезони қабул қилинади.

Агар корхона 2019 йил якунларида кўра асосий фаолият тури бўйича (ИФУТ) кичик корхона ёки микрофирма мезонига тўғри келадиган ходимлар сонига эга бўлса, у кичик бизнес учун белгиланган барча имтиёزلарни қўллашга ҳақли.

Кичик бизнес субъектларига тегишли статистика органлари томонидан – олдинги йилдаги ходимларнинг ўртача йиллик сони ва ИФУТ коди асосида аниқланади. Ушбу маълумотларни сиз *stat.uz* сайтнинг КТЯДР бўлимида кўришингиз мумкин.

Агар асосий фаолият тури бўйича ходимларнинг ўртача йиллик сони ошса ёки асосий фаолият соҳаси ўзгарса, 2020 йил якунлари бўйича корхона кичик корхона мақомини йўқотиши мумкин ва тегишинча, ходимларнинг ўртача йиллик сони мезонлари бошқа бўлади.

Бу ҳолда сиз кўрсатилган давр учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи,

шунингдек 12% ставкани қўллаган ҳолда ижтимоий солиқ (*18.05.2020 й. 5996-сон Фармоннинг 1–5-бандлари*) бўйича қайта ҳисоб-китобни топиришингиз керак бўлади. 2020 йилда амалда бўлган қолган барча преференциялардан ҳам корхона маҳрум бўлади ва тўлов муддатини ўтказиб юборганлик учун қўшимча солиқ ва пеняларни тўлашига тўғри келади.

Бундай вазиятда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси қўлланилади:

• фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармокли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради;

• микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ходимлар сонини ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади.

Ушбу қоида қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

• Ўзбекистон қасб-хунар коллежларининг, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони **кўпи билан 50% ошадиган бўлса**. Ходимлар сонининг оширилишига ўқув юртларида ўқишни тугаллаган қундан бошлаб кўпи билан 3 йил ўтган бўлса, йўл қўйилади;

• **касаначилар** билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони **кўпи билан 30% ошадиган** бўлса.

ТАВСИЯ

Ҳар чоракда ходимларнинг ўртача ойлик сонини текширинг! Агар корхона жорий йил якунлари бўйича кичик бизнес субъекти мақомини йўқотса, у:

- шу йили амал қилган имтиёзлар ва преференцияларга бўлган ҳуқуқини йўқотади;
- барча тежалган суммалар ва пеняни бюджетга қўшимча тўлаб бериши керак бўлади.

Қандай қилиб ходимларнинг ўртача йиллик сонини тўғри ҳисоблаш мумкин

Ходимларнинг ўртача йиллик сонини ҳисоблаш методикаси Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомда (*АВ томонидан 17.02.2017 йилда 2858-сон*

билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган.

Шартли мисолларда асосий фаолият турини ҳисобга олган ҳолда ходимларнинг ўртача йиллик сонини қандай ҳисоблашни кўриб чиқамиз.

1-МИСОЛ. Фаолият тури ўзгаради

Корхона 2019 йил якунлари бўйича ходимларнинг ўртача йиллик сони мезони ва ИФУТ кодидан келиб чиққан ҳолда кичик корхона ҳисобланади. 2020 йил учун ходимларнинг ўртача йиллик сони 67 кишини ташкил этди:

$$(120 + 100 + 25 + 35 + 70 + 10 + 200 + 60 + 50 + 25 + 44 + 65) : 12 = 67.$$

Йил якунлари бўйича асосий фаолият тури – қувурлар ишлаб чиқариши. Корхона кичик бизнес субъектларига киритиш учун мазкур фаолият тури бўйича ходимларнинг ўртача йиллик сони 100 киши қилиб белгиланган (*275-сон Таснифлагич*). Шу тариқа, мазкур корхона 2020 йил якунлари бўйича кичик корхоналар тоифасига киради ва кичик бизнес субъектлари учун белгиланган имтиёз ва преференцияларни қўллашга ҳақли.

2020 йил якунлари бўйича мазкур корхонанинг асосий фаолият тури хизматлар кўрсатиши, масалан, воситачилик хизматларини кўрсатиши (кичик корхоналар тоифасига киритиш учун ходимларнинг ўртача йиллик сони – 25 киши) бўлган тақдирда, ходимларнинг ўртача йиллик сони 67 киши бўлган корхона:

- 2020 йил якунлари бўйича кичик корхоналарга тегишли бўлмайди;
- 2020 йилда амал қилган имтиёз ва преференцияларга бўлган ҳуқуқини йўқотади;
- барча тежалган суммалар ва пеняни бюджетга қўшимча тўлаб бериши керак бўлади.

2-МИСОЛ. Ходимларнинг сони касаначилар ҳисобига ошган

Ишлаб чиқариши корхонаси 2019 йил якунлари бўйича ходимларнинг ўртача йиллик сони мезони ва ИФУТ кодидан келиб чиққан ҳолда кичик корхона ҳисобланади. Ишлаб чиқариши соҳасида кичик корхоналар тоифасига киритиш учун ходимларнинг энг юқори сони – 100 киши.

2020 йилда ходимларнинг ўртача йиллик сони 126 кишини, шу жумладан – 38 нафар касаначиларни ташкил этди. Мазкур корхона 2020 йил якунлари бўйича кичик корхона мақомини сақлаб қолади, сабаби:

- ходимлар сонининг 26 кишига ошиши 30%дан кам;
- ходимларнинг сони касаначиларни ҳисобга олмаганда 88 кишини (126 – 38) ташкил этади, ходимлар ҳақиқий сонининг белгиланганига (100 киши) нисбатан ошиши касаначилар ҳисобига рўй берган.

3-МИСОЛ. Ходимлар сонининг ошиши касаначилар ҳисобига рўй бермаган

Корхона 2019 йил якунлари бўйича кичик корхона ҳисобланади. 2020 йилда ходимларнинг ўртача йиллик сони 126 кишини, шу жумладан 18 нафар касаначиларни ташкил этган. Ишлаб чиқариши соҳасида кичик корхоналар тоифасига киритиш учун ходимларнинг энг юқори сони – 100 киши.

Мазкур корхона 2020 йил якунлари бўйича кичик корхона мақомига тўғри келмайди. Сабаби ходимларнинг сони касаначиларни ҳисобга олмаганда 108 кишини (126 – 18) ташкил этади. Бу қонун ҳужжатларида белгиланган ходимларнинг энг юқори сонидан 8 кишига кўп. Бу ҳолда корхона:

- 2020 йил якунлари бўйича кичик корхоналарга тегишли бўлмайди;
- 2020 йилда амал қилган имтиёз ва преференцияларга бўлган ҳуқуқини йўқотади;
- барча тежалган суммалар ва пеняни бюджетга қўшимча тўлаб бериши керак бўлади.

4-МИСОЛ. Касаначилар нормадан ортиқ

Корхона 2019 йил якунлари бўйича кичик корхона ҳисобланади. 2020 йилда ходимларнинг ўртача йиллик сони 132 кишини, шу жумладан 35 нафар касаначиларни ташкил этган. Ишлаб чиқариши соҳасида кичик корхоналар тоифасига киритиш учун ходимларнинг энг юқори сони – 100 киши. Ходимларнинг ўртача йиллик сони касаначиларни ҳисобга олмаганда 97 кишини (132 – 35) ташкил этганига қарамай, мазкур корхона 2020 йил якунлари бўйича кичик корхона ҳисобланмайди, сабаби касаначилар сони 30%дан ошган.

5-МИСОЛ. Ходимлар сони мезони 2020 йилда тўғри келади, бироқ 2019 йилда нормадан ошади

2019 йил якунлари бўйича қурилиш ташкилоти ходимлар сони мезони бўйича кичик бизнес субъекти ҳисобланмайди. 2020 йилда ходимлар сони мезони кичик бизнес учун белгиланганига тўғри келади. 2020 йилда ташкилот кичик бизнес субъекти ҳисобланмайди – ушбу мақом йил давомида қайта кўриб чиқилмайди. Ҳатто 2020 йил якунлари бўйича у кичик корхона бўлса-да, 2020 йил имтиёзларидан барибир фойдалана олмайди. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун имтиёз ва преференциялар қатъий муайян даврга – карантин чоралари даврига белгиланган. Уларни бундай ташкилот қўллашга бўлмайди, сабаби «кичик корхона» мақоми унга статистика органлари томонидан фақат 2020 йил якунлари бўйича берилади.

Фойда солиғи: чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар

? Амалиётда бухгалтерларда муайян бир вазиятда Солиқ кодекси нормаларини қандай қўллаш керак, деган савол кўп юзага келади. Турли солиқ солиши объектларига нисбатан фойда солиғини ҳисоблашда қандай шартлар харажатларнинг чегириладиган харажатларга киритилишини белгилайди?

Савол юзасидан «Nogma» эксперти Наталья МЕМЕТОВАнинг тушунтиришларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



Чегирилмайдиган харажатлар бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайди (СК 267-м. 1-қ. 7-б.).

• Суд харажатлари – чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар

Фойда солиғини ҳисоблашда суд харажатлари чегириладиган харажатлар ҳисобланмиш-ҳисобланмаслигини аниқлаш учун суд жараёни нима билан боғлиқлигини би-

лиш лозим. Агар у солиқ солинадиган даромад олиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда суд харажатлари чегириладиган харажатлар бўлиши мумкин (СК 305-м.).

• Шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация – норма доирасида чегириладиган харажат

Автотранспортдан ҳақиқатда Тартибга (ВМнинг 02.04.1999 й. 154-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ хизмат мақсадларида фойдаланилса, автотранспортдан норма доирасида фойдаланган-

лик учун компенсация – чегириладиган харажат бўлади. Белгиланган нормалардан ортик бўлган бундай компенсация чегирилмайдиган харажат ҳисобланади (СК 317-м. 4-б.).

• Бола туғилганда, бола 2 ёшга тўлгунча қадар ва касал бўлганда бериладиган нафақалар – чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар

Бола туғилганда бериладиган нафақа Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади ва сизнинг харажатингиз ҳисобланмайди.

харажатга кириди (СК 317-м. 6-б.).

Бола туғилиши муносабати билан моддий ёрдам тўласангиз, у чегирилмайдиган

Бола 2 ёшга тўлгунча ва меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича бериладиган нафақалар – чегириладиган харажатлардир, сабаби қонун ҳужжатлари билан талаб қилинган (СК 305-м. 4-қ. 3-б.).

• Сирдарёга хайрия ёрдами – чегирилмайдиган харажат

Компания Сардоба сув омбори бузилиши муносабати билан Сирдарёга янги кийим-кечак жўнатди, шунингдек коронавирус пандемияси муносабати билан «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасига пул ўтказди. Ушбу харажатни чегириладиган харажатга кири-тиши мумкинми?

қулудда ҳодиса оқибатларини бартараф этиши бўйича таъминол чора-тадбирлари белгиланган. Хусусан, бюджетдан ва жамғармалардан маблағлар ажратилиши назарда тутилган. Ҳужжатда корхоналар кўрсатган хайрия ёрдамини чегириладиган харажатларга киритиш назарда тутилмаган.

Президентнинг 21.05.2020 йилдаги ПҚ-4722-сон қарори билан Сардоба сув омбори тўғонида юзага келган фав-

Бу ҳолда хайрия ёрдами СК 317-м. 7-бандига мувофиқ чегирилмайдиган харажат бўлади.

• Касаба уюшмалари ташкилотларига бадаллар – чегирилмайдиган харажатлар

Касаба уюшмаси ташкилотига МХТФнинг 1%и миқдоридagi ойлик ажратмалар чегирилмайдиган харажатларга кириладими?

ни тўлаган солиқ тўловчилар томонидан фаолиятни амалга оширишнинг шартли ёхуд мазкур ташкилотлар томонидан солиқ тўловчилар ўз фаолиятини юритиши учун зарур хизматлар тақдим этишнинг шартли бўлган ҳоллар мустасно.

Солиқ кодексининг 317-моддаси 29-бандига мувофиқ нотижорат ташкилотларига тўланадиган бадаллар, йиғимлар ва бошқа тўловлар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади, бундан шундай бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловларни тўлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва (ёки) ушбу бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловлар-

Касаба уюшмалари ташкилотлари – фуқароларнинг ихтиёрий жамоат бирлашмалари («Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун 3-м.). Бинобарин, касаба уюшмалари ташкилотларига бадаллар – чегирилмайдиган харажат.

• ССПга аъзолик бадаллари – чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун Савдо-саноат палатаси аъзоси бўлиш ихтиёрий саналади, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса – мажбурий («Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғри-

сида»ги Қонун 17-м.).

• ТМҚни яроқсизлиги сабабли ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар – чегирилмайдиган харажат

Солиқ кодексининг 317-моддаси 34-бандига мувофиқ товар-моддий қимматликларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган

зарар чегирилмайдиган харажат ҳисобланади. ТМҚ – айланма активлари. Асосий воситалар улар жумласига кирмайди.

• Пеня ва жарималар – чегирилмайдиган харажат

Пеня, жарималар ва бюджет тизимига тўланиши лозим бўлган (тўланган) бошқа санкциялар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 19-б.).

• Спортзалга абонемент – чегирилмайдиган харажат

Спортзалга абонементлар – ходимларнинг моддий наф тарзидаги даромадлари бўлиб (СК 376-м. 1-б.), корхона учун чегирилмайдиган харажат ҳисобланади (СК 317-м. 3-б.).

• Меҳнат шартларини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар – чегириладиган харажатлар

Мажбурий сугурта, ходимларнинг саломатлиги учун қулай шартлар яратиш (капсулалардаги ичимлик суви, махсус кийим-бош ва никоблар) бўйича харажатлар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланадими? Ушбу харажатларни нархни белгилаш сиёсатида санаб ўтиш лозими?

ниш тартиби жамоа шартномасида ёхуд иш берувчи ва ходимларнинг вакиллик органи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади (МК, 216-м.).

Мажбурий сугурта учун харажатлар – чегириладиган харажатлар, сабаби қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқади (СК 305-м. 4-қ. 3-б.).

Юқорида кўрсатилган барча талабларга риоя этилган бўлса, меҳнат шартларини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни чегириладиган харажатларга киритиш мумкин (СК 305-м. 4-қ. 3-б.).

Шунингдек барча корхоналарда меҳнат учун хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шартлар яратилган бўлиши керак. Бундай шартларни яратиш – иш берувчининг мажбурияти (МК 211-м.).

Нархлар барча харажатларни қоплаш ва корхона фойда олишини таъминлаш заруратини инобатга олган ҳолда шакллантирилиши зарурлиги босқинчи равишда кўрсатилган харажатлар нархни белгилаш сиёсатига киритилиши керак. Уларни йириклаштириб, мажбурий сугурта бўйича харажатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича харажатлар сифатида кўрсатиш мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадида белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилади. Ушбу маблағлар ва материалларни бошқа мақсадлар учун сарфлаш тақиқланади. Улардан фойдала-

Жамоа шартномасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича харажатларни батафсил қайд этиш тавсия этилади.

• Асосий восита эскириши бўйича харажатлар – белгиланган норма доирасида чегириладиган харажатлар

Корхона қўшимча ишлаб чиқариш учун АВ сотиб олган, бироқ ҳозирча харидорлар йўқлиги сабабли объектдан ханузгача фойдаланилмаётган. АВга амортизация ҳисоблаш керакми? Керак бўлса, амортизация чегириладиган харажат ҳисобланадими?

Корхона уни сотадиган бўлса, объект товар сифатида малакаланиши лозим (4-сон БҲМС).

Объект маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида сакланса, асосий восита сифатида тан олинади. Ёхуд объект хўжалик фаолиятини юритиш чоғида узок вақт мобайнида маъмурий ва ижтимоий-маданий функцияларни бажариш учун сакланганда ҳам АВ деб эътироф этилади (5-сон БҲМС).

Корхона ундан ишлаб чиқаришда фойдаланса, амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулини қўллаш тавсия этилади, бунда амортизация суммаси ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ. Ишлаб чиқариш бўлмаганда амортизация ҳисобланмайди. Қўлланиладиган амортизация усулини ҳисоб сиёсатида акс эттиринг.

• Газ ва электр энергияси бўйича лимитдан ортик харажатлар – чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар

Истеъмол қилинган электр энергияси ва газ учун ҳисоб-китоблар Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Қоидалар билан тартибга солинади. Ҳисоб-китоблар белгиланган тарифлар бўйича электр ва газ таъминоти ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Истеъмолчи ресурсларга бўлган эҳтиёжини тегишли ҳисоб-китоблар билан асослайди, улар асосида шартнома тузилаётганда корхона муайян тариф гуруҳига киритилади.

✓ энергия ресурсларини ўғирлаш (СК 317-м. 10-б.);

✓ даромад олишга йўналтирилган фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажат бўлса (СК 317-м. 18-б.) у чегирилмайдиган харажат бўлади.

Шартнома шартларига кўра корхона ресурсларни истеъмол қилишнинг белгиланган режимига риоя этиши шарт. Нормативдан ортик истеъмол қилинган тақдирда оширувчи коэффициент билан ҳақ ундирилади.

Бошқа лимитдан ортик сарфлаш ҳоллари қуйидагилар оқибатида юзага келган бўлиши мумкин:

Газ ва электр энергияси учун нормативдан ортик харажатлар чегириладиган харажатлар ҳисобланмиш-ҳисобланмаслигини тушуниш учун аввал нормативдан ортик сарфлаш сабабини аниқлаш лозим.

✓ нормативнинг нотўғри белгилангани;

✓ янги ишлаб чиқариш ёки янги маҳсулот ўзлаштирилаётгани.

Агар у:

- ✓ камчиликлар ва носозликларни бартараф этиш билан боғлиқ харажат (СК 317-м. 9-б.);

Бундай ҳолларда Солиқ кодекси 305-моддасининг чиқимларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши ва хужжатлар билан тасдиқланган харажатлар тўғрисидаги нормаларидан келиб чиқиб лозим.

Ҳақиқатдаги харажатларга мувофиқ келмайдиган норматив ресурсларга бўлган эҳтиёж нотўғри ҳисоб-китоб қилинганда далолат беради. Ҳисоб-китобларнингизга аниқлик киритиб, етказиб берувчилар билан янги нормативларни келишиб олинг.

Ҳисоб-китоблар ва тасдиқловчи хужжатлар ёрдамида нормативдан ортик чиқимларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши асослай олсангиз, уларни чегириладиган харажатларга киритиш мумкин.

маълумотлари таркибига ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, куйидагилар ҳам киритилади:

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти ва хизмат кўрсатаётган веб-сайти;

электрон почта манзили;

савдо белгиси номи;

кўрсатаётган электрон хизмат тури;

электрон хизмат тақдим этаётган мобил илова номи.

3-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХИСОБ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

11. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) асосида амалга оширилади.

12. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш маълумотларни киритишни ва ушбу маълумотларни ўзгартиришни ўз ичига олади.

13. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

14. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларига ўзгартириш киритиш солиқ тўловчи томонидан солиқ органларига тақдим этилган маълумотлар ва (ёки) Солиқ кодексининг 133-моддасида назарда тутилган тартибда давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларидан олинган маълумотлар асосида солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган ҳамда солиқ солиш объекти бўйича ҳисобга қўйилган солиқ органи томонидан амалга оширилади.

15. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган солиқ тўловчиларнинг ҳисоб маълумотларига ўзгартириш киритиш Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

4-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХИСОБ МАЪЛУМОТЛАРИНИ УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

16. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини судларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳамда республика давлат бошқаруви органларига тақдим этиш Давлат солиқ қўмитаси билан ўзаро электрон ахборот алмашиш бўйича тузилган битимлар асосида ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда электрон тарзда амалга оширилади.

Бунда, ўзаро электрон ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилмаган ташкилотларга маълумотларни тақдим этиш, уларнинг сўрови асосида қозғош шаклда амалга оширилади.

17. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлардан фақат улардан фойдаланишга рухсат берилган мансабдор шахслар томонидан фойдаланиш имконияти яратилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 201-моддасига асосан судларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга уларнинг сўровига асосан солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар тақдим этилиши мумкин.

19. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тижорат ташкилотларига солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

Бунда, солиқ сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш солиқ тўловчининг розилиги билан амалга оширилади.

20. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини жисмоний шахсларга тақдим этиш Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтидаги солиқ тўловчининг шахсий кабинети (бундан бўён матнда шахсий кабинет деб юритилади) орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

Бунда, жисмоний шахслар томонидан ёзма тарзда мурожаат қилинганда маълумотларни тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Солиқ тўловчи контрагентларни танлаш чоғида уларнинг солиқ органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги ҳамда мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган маълумотларни олиши мумкин.

Солиқ тўловчига контрагент бўйича маълумотларни тақдим этиш шахсий кабинет орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

22. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини

трансегаравий узатиш солиқ органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Бунда, бошқа давлатларнинг солиқ органларига ёки бошқа тегишли органларига солиқ тўловчи тўғрисида сўралган маълумотларни тақдим этиш солиқ сирини ошқор этиш сирасига кирмайди.

5-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

23. Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахсларнинг маълумотлар таркиби куйидагилар асосида шаклланади:

инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг кафолатини тақдим этмасдан амалга оширилаётганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан олинган маълумотлар;

тўлиқ шакллантирилган устав капитали (фонди) ва корхонанинг устав капиталда (фондида) хоржий инвесторнинг улуши тўғрисида тегишли орган ва ташкилотлардан олинган маълумотлар.

24. Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари бўйича маълумотлар таркибига махсус зоналар дирекциялари томонидан тақдим этилган махсус зоналарнинг иштирокчилари махсус зоналар иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги (иштирокчи макромидан махрум этилгани) тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

25. Махсуслот тақсимотида эгил битимлар иштирокчилари бўйича маълумотлар таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган ордан олинган инвестор ёки юридик шахс макромга иша бўлмаган юридик шахслар бирлашма инвeстoр сифатида иш юритаётган бўлса, бундай бирлашма иштирокчилардан бирига берилган махсуслот тақсимотида оид битимда кўрсатилган ер қатъи участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия тўғрисидаги (амал қилиш муддати ва бирлашманинг бошқа барча иштирокчилари тўғрисидаги) маълумотлар киритилади.

26. Адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари бўйича маълумотлар таркиби адлия органларидан олинган қуйидаги маълумотлар асосида шаклланади:

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун берилган лицензияларнинг давлат реестридаги маълумотлар;

адвокатлик тузилмалари реестридаги маълумотлар;

адвокатлик тузилмаларининг почта манзили ўзгарганда бу ўзгаришлар тўғрисида олинган маълумотлар.

27. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар бўйича маълумотлар таркиби адлия органларидан олинган қуйидаги маълумотлар асосида шаклланади:

хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар тўғрисидаги (амал қилиши тўхтатиб турилган, тугатилган ва бекор қилинган) маълумотлар;

хусусий нотариал амалиёт билан шуғулланиш учун берилган лицензияларнинг давлат реестридаги маълумотлар.

28. Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркиби ушбу Низомнинг 23–27-бандларида назарда тутилган маълумотлардан ташқари тегишли орган ва ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида шакллантирилиши мумкин.

6-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОЙДАЛАР

29. Учинчи шахс томонидан солиқ органларидан олинган барча маълумотлар ва ахборотлар солиқ сирини ҳисобланади ҳамда улардан фақат хизмат доирасида фойдаланилади.

30. Маълумотлардан фойдаланувчи корхоналар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар солиқ органларидан олинган маълумотлар ва ахборотларнинг сир тутилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлашлари шарт.

31. Солиқ органларидан олинган ахборотларни ўз ичига олган ҳужжатларнинг йўқотилиши ёки бундай маълумотларнинг ошқор этилиши қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

32. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

33. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:

– «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Божхона маъмуриятчилигини ислох этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Қишлоқ жойларда кўп квартиралы уй-жойларни қуришда тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

– ЎзР ДСҚнинг «Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларининг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида энг кўп зарар кўрган ва кўраётган туризм ҳамда унга беvosита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси, жамоат ташкилотлари ва туризм соҳаси субъектларининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

Белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда 2020 йилнинг 1 июндан «яшил» ва «сарик» тоифадаги ҳудудларда ички туризмни қайта йўлга қўйиш билан биргаликда ёндош ташкилотларнинг (туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектилари ҳамда бошқалар) фаолиятини бошлаш;

фуқароларига Ўзбекистон Республикасига киришга рухсат этиладиган мамлакатлар рўйхатини белгилаб олган ҳолда кириш туризмни босқичма-босқич қайта тиклаш.

2. Белгилансинки, туроператорлар, турагентлар, шунингдек жойлаштириш воситалари учун:

2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар фойда солиғи ставкаси белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтирилади;

2020 ва 2021 йил якунлари бўйича зарарларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган миқдор билан чекламаган тарзда ўтказиш ҳуқуқи берилди;

2021 йил 1 январгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади.

Жойлаштириш воситаларига алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимни тўлашни 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилиш ва кейинчалик уларни 12 ой мобайнида тенг қисмларда тўлаш асосида фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривож-

лантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан:

а) 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда қуйидагиларга Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси томонидан белгиланган мезонлар асосида 12 ой муддатга бир марталик мақсадли фойсиз ссудалар ажратиш шаклида:

туроператорларга 2019 йилдаги ўртача ойлик иш хақи фондининг уч бараваридан ошмайдиган миқдорда;

жойлаштириш воситаларига ҳар бир ётоқ ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

б) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ туризм соҳасидаги «старт» лойиҳалар ва инновацион бизнес гояларни, шу жумладан биринчи навбатда туристлар учун қулайликлар яратишга йўналтирилган ахборот дастурлари ва хизматларини умумий 1,5 миллиард сўм миқдорида қисман субсидиялаш орқали;

в) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда республика ҳудудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар ажратиш орқали;

г) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга гўдлар учун 5 миллион сўм, туроператорлар учун 10 миллион сўм миқдорида грантлар ажратиш орқали қўшимча кўмак кўрсатилади.

4. Давлат томонидан қуйидаги қўшимча кўмак кўрсатилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидагиларни субсидиялаш: жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда туризм соҳаси субъектларининг фойсиз харажатлари;

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 29.05.2020 йилдан кўча кирди.

жойлаштириш воситаларини куриш учун туризм соҳаси субъектларига аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 2022 йил 1 январгача бўлган даврда фоииз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоиизлик пунктдан ортқ бўлмаган қисми;

янги санитария-гигиена талабларига мувофиқлаштириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган кредитлар бўйича фоииз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоиизлик пунктдан ортқ бўлмаган қисми;

айланма маблағларни тўлдиретиш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган 1 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда фоииз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоиизлик пунктдан ортқ бўлмаган қисми;

б) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоииз миқдорда жойлаштириш воситаларини субсидиялаш;

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси резидентлари – туроператорлар ва турагентларга кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг умумий сони 500 минг нафарга етунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5781-сон Фармониға мувофиқ компенсация қилинадиган чартер рейслар орқали олиб келинганлардан ташқари Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун 15 АҚШ доллари миқдорда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қамда беш сутка бўлиши шарти билан рағбатлантирувчи субсидиялар ажратилиш;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан 2020 йил 31 декабрга қадар қамда 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасига тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида қамда беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30 фоииз миқдорда қисман субсидиялаш;

д) 2021 йил 1 июнга қадар Жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳмонхоналарга тоифа олиш ёки ошириш учун реновация, реконструкция ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатларини олинган тоифани келгуси 3 йил давомида сақлаш шарти билан қуйидаги миқдорда қоплаш:

3 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 5 миллион сўм;

4 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 10 миллион сўм;

5 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 15 миллион сўм.

5. Белгилангани, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги техникум ва коллеж-

ларга 2020 йилда ўқишга қабул қилинган барча тинловчиларни ўқитиш, истисно тариқасида, давлат гранти асосида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкнинг 2020 йил 1 октябрдан бошлаб жойлаштириш воситаларини куриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича асосий қарз тўловини 18 ойдан 24 ойгача узайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. 2022 йил 1 январга қадар юридик шахслар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудиға олиб кириладиган дезинфекция ишларини олиб бориш учун жиҳозлар, техникалар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, бино ва иншоотларни куриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун алоқасиз бошқариладиган (сенсорли) жиҳозлар, шунингдек, ҳидсиз дезинфекцияловчи воситалар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ва қўшилган қиймат солиғидан ташқари) озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: бир ҳафта мuddатда Молия вазирлиги ҳузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириши бошлаш учун Жамғармага 20 миллиард сўм ажратилишини, шунингдек, заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг бюуртманомаларига кўра мазкур Фармоннинг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан туризм соҳасидаги техникум ва коллежларда 2020–2021 ўқув йилида мутахассисларни тайёрлаш учун маблағлар ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Молия вазирлиги билан биргаликда қабул қилинган қўллаб-қувватлаш чораларининг натижадорлиги ўрганилишини ва унинг яқунлари бўйича кейинги йилларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини куриш бўйича таклифлар 2021 йил 15 январга қадар киритилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартiriш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Боши вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 28 май
ПФ-6002-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI**

**БОЖЖОНА МАЪМУРИЯТЧИЛИгини ИСЛОХ ЭТИШ ВА
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT БОЖЖОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎГРИСИДА***

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда – божхона органлари) фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ишлар божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришни талаб этади.

Шу билан бирга, «қоғозсиз ва электрон божхона» лозим даражада ривожланмайтини, контрабанда, контрафакт махсулотларни олиб ўтиш, коррупция, ноқонуний валюта операциялари ва божхона тўловларини тўлашдан бўйин товланга қарши курашиш усуллари божхона маъмуриятчилигининг замонавий ва синновдан ўтказилган усулларини қўллашни талаб этмоқда.

Божхона маъмуриятчилигини ислох этиш, божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, «қоғозсиз ва электрон божхона»нинг манғитий давоми ва ривожланиши бўлган «қрақамли божхона»ни шакллантириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 6.06.2020 йилдан кучга кирди.

ва бошқа кўчас мулк, унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисидаги маълумотлар;

табiiй ресурслардан фойдаланувчилари ҳисобга олишни ва (ёки) уларни рўйхатдан ўтказишни, шунингдек табiiй ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашни амалга оширувчи органлардан олинган лицензия ва рухсатномалар тўғрисидаги маълумотлар;

сув ресурсларини ҳисобга олишни амалга оширувчи органлардан олинган ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳаҷмлари тўғрисидаги маълумотлар;

лицензиялар ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни берадиган органлардан олинган шундай ҳужжатлар берилганлиги, бекор қилинганлиги, тўхтатиб турилганлиги ёки уларнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналарини аккредитациядан ўтказишни амалга оширувчи органлар ҳамда ташкилотлардан олинган чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтказилганлиги (аккредитациядан маҳрум этилганлиги) тўғрисидаги маълумотлар;

ҳалқаро ташкилотларнинг ҳамда чет эл нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари реестрини юритиш ваколатига эга бўлган органдан олинган мазкур реестрга тегишли тарзда киритилганлик (реестрдаги ўзгартиришлар) тўғрисидаги маълумотлар;

васийлик ва ҳомийлик органларидан олинган мол-мулк мулкдорлари (эгалари) бўлган жисмоний шахсларга нисбатан васийлик, ҳомийлик ҳамда мол-мулк бошқаруви белгиланганлиги тўғрисида, шу жумладан мол-мулк мулкдори (эгаси) бўлган болигини васий оилага топширилганлиги ҳақида, шу жумладан мазкур васийлик, ҳомийлик ва мол-мулк бошқаруви билан боғлиқ кейинги ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотлар;

нотариуслардан олинган кўчас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, меросга эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар берилганлиги ҳамда ҳада этиш шартномалари нотариал тарзда тасдиқланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

чет эллик фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга ишлаш учун рухсатномалар ёки патентлар беришни амалга оширувчи органлардан олинган чет эллик фуқаролар ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслар турган жойи бўйича миграция ҳисобига қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

қимматли қозғаларнинг марказий депозитарийсидан олинган ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотлар;

божхона органларидан олинган экспорт-импорт операциялари тўғрисидаги, шунингдек товарларни олиб ўтиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали электрон тижорат шаклида амалга оширилган товарларни олиб ўтиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси нрезидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона омборларида товарлар сақланаётганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотлар;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг домен номлари тизимини белгиловчи органдан олинган домен номларининг маъмурилари тўғрисидаги ахборотлар.

3. Солиқ органларига солиқ тўловчи томонидан, шунингдек давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган солиқ тўловчи тўғрисидаги қуйидаги ҳисоб маълумотлари солиқ сирини ҳисобланмайди:

ҳамама фойдаланиши мумкин бўлган, шу жумладан эгасининг розилиги билан шундай фойдаланиш имкони яратилган маълумотлар;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари ва бу қоидабузарликлар учун жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ тўловчилар томонидан қўланиладиган солиқ режимлари ва қўшилган қиймат солиғини тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлик тўғрисидаги маълумотлар;

тўланган солиқларнинг ва солиқ қарзининг суммалари ҳақидаги маълумотлар;

юридик шахснинг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар; ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони тўғрисидаги маълумотлар;

молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича даромадлар ва харажатлар суммалари тўғрисидаги маълумотлар.

4. Солиқ тўловчи бўйича солиқ сирини ҳисобланадиган маълумотларни ўқинчи шахсларга бериш тақиқланади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

5. Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни ўқинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

2-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБ МАЪЛУМОТЛАРИ

6. Юридик шахс тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари тарихига қуйидагилар кирдири, хусусан:

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
тўлиқ ва қисқартирилган номи;
жойлашган ери (почта манзили);
ташкилий-ҳуқуқий шакли;
давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жойи ва рақами;
устав фонднинг (устав капиталнинг) миқдори – тижорат ташкилотлари учун;

алоҳида бўлинмалар тўғрисидаги маълумотлар;
солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари ва бу қоидабузарликлар учун жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ тўловчилар томонидан қўланиладиган солиқ режимлари ва қўшилган қиймат солиғини тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлик тўғрисидаги маълумотлар;

тўланган солиқларнинг ва солиқ қарзининг суммалари ҳақидаги маълумотлар;
ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони тўғрисидаги маълумотлар;

молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича даромадлар ва харажатлар суммалари тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган иштирокчилар солиқ тўловчисининг идентификация рақами, чет эллик иштирокчининг мамлақати ҳамда ҳар бир муассиснинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улуши кўрсатилган ҳолда иштирокчиларнинг тўлиқ тарихи – тижорат ташкилотлари учун.

7. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари тарихига уларнинг қуйидаги шахсий маълумотлари киритилади:

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
фамилияси, исми, отасининг исми;
фуқаролиги;
жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун;
паспортнинг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи; яшаш жойи (манзили).

8. Яққа тартибдаги тадбиркорлар учун ҳисоб маълумотлари тарихига мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, қуйидагилар ҳам киритилади:

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жойи ва рақами;
фаолият тури;
фаолият амалга ошириладиган жой.

9. Чет эл юридик шахсларининг ҳисоб маълумотлари тарихига қуйидагилар кирдири:

рўйхатдан ўтказилган мамлакатнинг рўйхатга олиш органи томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш рақами;
рўйхатга олинган мамлакатнинг солиқ органи томонидан берилган солиқ тўловчининг хос рақами;

юридик шахснинг тўлиқ номи;
рўйхатга олинган мамлақати;
ташкилий-ҳуқуқий шакли;
асосий фаолият тури;
жойлашган ери (почта манзили);
раҳбарининг (ваколатли шахснинг) фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами, электрон почта манзили ва телефон рақами;

алоҳида бўлинмалар тўғрисидаги маълумотлар – фаолиятини алоҳида бўлинмалар орқали амалга оширадиган чет эл юридик шахслари учун.

10. Солиқ кодексининг 39-Бобида назарда тутилган электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларининг ҳисоб

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари ва бошқа ташкилотларда энгил автомашиналаридан фойдаланиши янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорининг рус тилидаги матида 1-илованинг 36-позицияси кўйидаги тахрирда баён қилинсин:

36	Государственный налоговый комитет	286	282	22	239	21	-	-
	Центральный аппарат	15	18	6	6	6	-	-
	Областные звенья	44	42	14	14	14	-	-
	Районные звенья	209	208	-	208	-	-	-
	Подведомственные организации	18	14	2	11	1	-	-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

СОЛИҚ ТўЛОВЧИЛАР ТўҒРИСИДА ҲИСОБ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ЮРИТИШ, БУ МАЪЛУМОТЛАРНИ УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИШ, ШУНИНГДЕК СОЛИҚ ТўЛОВЧИЛАРИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ТўҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 3237

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 15 ва 132-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низоом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кўчга қиради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 апрелъ
2020-06-сон.

ЎзР ДСҚнинг 2020 йил 27 апрелдаги 2020-06-сон қарорига
ИЛОВА

СОЛИҚ ТўЛОВЧИЛАР ТўҒРИСИДА ҲИСОБ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ЮРИТИШ, БУ МАЪЛУМОТЛАРНИ УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИШ, ШУНИНГДЕК СОЛИҚ ТўЛОВЧИЛАРИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ТўҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низоом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (бундан буён матида Солиқ кодекси деб юритилади) асосан давлат солиқ хизмати органлари (бундан буён матида солиқ органлари деб юритилади) томонидан солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низоомда кўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

солиқ тўловчи – Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига белгиланган солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар;

солиқ тўловчи тўғрисида ҳисоб маълумотлари – солиқ органларига солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган маълумотлар, шунингдек Солиқ кодексининг 133-моддасида назарда тутилган тартибда давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган маълумотлар;

учинчи шахс – ўз фаолиятида қўнунчиликда тақиқланмаган мақсадларда фойдаланиш учун солиқ тўловчига доир маълумотларни тақдим этиш юзасидан солиқ органларига мурожаат қилган шахс;

контрагент – солиқ тўловчи билан ҳўжалик муносабатларида шартнома тузувчи тараф;

маълумотларни трансчегаравий узатиш – солиқ тўловчи тўғрисида ҳисоб маълумотларни солиқ органлари томонидан республика ҳудудидан ташқарига Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда узатиш;

солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари – тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахслар, махсус эқтисодий зоналарнинг иштирокчилари, маҳсулот тақсимотида оид битимлар иштирокчилари, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюрорлари ва адвокатлар ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар.

2. Солиқ органларига солиқ тўловчи томонидан, шунингдек давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган солиқ тўловчи тўғрисидаги кўйидаги ҳисоб маълумотлари солиқ сирини ташкил этади:

тадбиркорлик субъекти бўлган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан олинган юридик шахсларнинг давлат реестридан кўчирма, бундан солиқ сирини ҳисобланмайдиган маълумотлар мустасно;

ички ишлар органларидан олинган паспорт маълумотлари; кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқчи давлат рўйхатидан ўтказувчи органлардан олинган тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси

*Ушбу қарор қўнун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.05.2020 йилдан кўчга қирди.

норма ва стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Куйидагилар:

а) божхона органлари фаолиятини ривожлантириш ва тақомиллаштиришнинг куйидаги йўналишларини ўз ичига олган 2020–2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш **концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага** мувофиқ;

божхона соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш;

мавжуд қун ва воситаларини оптимал қўллаган ҳолда божхона органлари фаолияти ва инфратузилма объектларининг институционал асосларини ривожлантириш;

рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффофлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш;

божхона органларининг фискал функцияларини амалга оширишни тақомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятини (кейинги ўринларда – ТИФ) тариф ва нотариф жиҳатдан тартибга солишни соддалаштириш;

контрабанда ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига қарши курашиш;

божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакаси ва маҳоратини янада ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар божхона хизматлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш;

б) 2020–2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар «Йўл харитаси»да назарда тутилган тadbирларни молиялаштириш манбалари эtib белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблаглари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлари), грантлар ва техник қўмақ маблаглари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Белгилансин:

а) **2020 йил 1 августдан** темир йўл транспорти ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимларини божхона органларининг ахборот тизимларига интеграциялаш орқали божхона назорати остидаги вагон ва контейнерларнинг мамлакат ичидagi ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни божхона органларига реал вақт режимида бегараз тарзда тақдим этилади;

б) **2020 йил 1 сентябрдан** «Ягона дарча» божхона ахборот тизими чегара божхона постларида жорий этилади;

в) **2020 йил 1 ноябрдан:**
шундай тартиб ўрнатилганида, унга мувофиқ божхона юк декларациясини расмийлаштириш вақти хавф даражасидан келиб чиқиб, 3 суткадан 1 кунгача қисқартирилади;
божхона назоратининг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш орқали товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш ҳолатлари қисқартирилади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг хавфларни бошқариш тизими автомобиль чегара божхона постларида жорий этилади;

транспорт воситаларини вақтинчалик олиб киришда ташувчига реал вақт режимида электрон шаклда қайта олиб чиқиш муддати туғиданги оқдин вақтинчалик олиб кириш муддатини узайтириш ва тегишли йиғимни тўлашни амалга ошириш имконияти тақдим этилади;

«божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини идентификациялаш

ва баҳолаш услубияти тadbиркорлик субъектининг ўзи томонидан ишлаб чиқилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига куйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

божхона назорати шакли сифатида товарлар чиқариб юборилгандан кейин ТИФ иштирокчиси фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг товарлар ва транспорт воситаларини чиқариб юборилгандан кейинги ҳисобини текширишни назарда тутувчи божхона аудитини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назорати органларининг (кейинги ўринларда – назорат органлари) ТИФни нотариф тартибга солиш чораларини қўллаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

товарлар импорт ва экспорти тузилмаси ҳамда динамикасининг чуқур ҳолати таҳлилини, шунингдек, импорт ҳажми ҳамда жисмоний, ҳам қийматий ўсишининг сабаблари таҳлилини амалга ошириш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш масалаларига бўйича манфаатдор идоралар билан ҳамкорлик ўрнатиш.

5. Божхона органларига куйидаги ҳуқуқлар берилсин:

товар ва транспорт воситалари устидан улар сақланадиган ва сотиладиган жойларга чиққан ҳолда, божхона аудитини амалга ошириш;

олиб кириладиган ва (ёки) олиб чиқиладиган товарлар ва транспорт воситалари ҳисоби, жумладан, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи ҳужжатлари, шунингдек, дастлабки ҳужжатлар юристици устидан текширувни амалга ошириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тузилмасида умумий штат бирликлари доирасида:

а) Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси **Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармаси** этиб қайта ташкил этилсин ва унга куйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

товарларни божхона режимларига жойлаштириш фактини текшириш;

божхона юк декларацияси ва божхона кириш ордериди кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар билан таққослаш ва текшириш;

товарларга нисбатан преференциялар тўғри қўлланилганлиги, божхона тўловлари тўлиқ ундирилганлиги, шунингдек, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва валютани тартибга солиш талабларининг бузилиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни текшириш ва ўрнатиш;

божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар тўғри қўлланилганлиги ва товарларнинг божхона қиймати тўғри аниқланганлигини текшириш;

шартли равишда чиқариб юборилган товарларни тасарруф этиш бўйича чекловлар рию этилишини текшириш;

товарларнинг божхона расмийлаштирувида тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш ва текшириш;

ТИФ товар номенклатураси бўйича товарларнинг тўғри таснифланганлиги ва божхона расмийлаштируви тўғри амалга оширилганлигини текшириш;

божхона соҳасида фаолият олиб борувчи шахслар томонидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш;

божхона операцияларини амалга оширишда ноқонуний («қуланган») схемаларни аниқлаш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш бўйича профилактика ишларини ўтказиш;

б) Божхона экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юриштиш бошқармаси **Ташқи иқтисодий фаолиятда нотариф тартибга солишни назорат қилиш ва божхона экспертизаси бошқармаси** этиб қайта ташкил этилсин ва унга куйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

назорат қилувчи органлар томонидан ТИФни амалга оширишда руҳсатнома ва бошқа тусдаги ҳужжатлар олиниши лозим

**Фармонга 1–4-иловалар «СБХ»да иол этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

булган ҳамда лицензияланадиган ва квоталанадиган товарларга нисбатан нотариф тартибга солиш чоралари қўллашни мувофиқлаштириш;

назорат қилувчи органларнинг товарларни олиб кириш ва (ёки) олиб чиқишда улар томонидан тақиқларни қўллаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

«Ягона дарча» божхона ажратиб тизимини қўллаш ва такомиллаштириш услубиятларини ишлаб чиқиш;

интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрини юриштириш;

экспорт назорати объектларининг божхона расмийлаштируви устидан назорат қилиш услубиятини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий ажратиб олиш агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси оммавий ажратиб олиш воситаларида мазкур Фармоннинг моҳияти, шунингдек, «йўл харитасини» амалга ошириш жарағинини ёритиш бўйича мақолалар ҳамда мавзуга оид телекўрсатувлар ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

а) **бир ойлик муддатда:**

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин;

б) **уч ой муддатда** божхона аудити тамойиллари ва усуллари, аудит объектларини танлаш усуллари ва механизми, шунингдек, божхона аудитини ўтказиш босқичларини назарда тутиб божхона аудитини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3665-сон қарорига 3-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 4-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри,
2020 йил 5 июнь
ПФ-6005-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА *

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди.

2. 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин булган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати иловага мувофиқ кенгайтирилсин.

3. 2020 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибидан ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобил алова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар илгари маълумотларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш бериувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сакланиб қолади.

4. Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахсларга (фрилансинг) қўйидаги ҳужжатлар берилсин:

кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар – норезидентлардан хорижий валютадagi тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ажратиб тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг банкларидagi ҳисобрақамларига қабул қилиш;

контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий тақлифни

(оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишлар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил 1 июлга қадар ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш учун қўйидаги имкониятларни назарда тутибчи мобил иловани ишлаб чиқсин ҳамда жорий қилсин:

бююртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш;

юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиш;

мобил алова ёрдамида ихтиёрли асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юриштиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланиш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш;

кўрсатилган хизматлар (товарлар) сифатини баҳолаш ва истеъмолчилар томонидан фикр-мулоҳазалар қолдириш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда юридик шахслар – тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд булмаган тақдирда хабар бериш тартибини қўлланган ҳолда бекор қилинади;

яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилганда (қайта рўйхатга олинганда) тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича амалга оширилади;

яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унда яқка тартибдаги тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда берилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шугулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар булган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар.

*Ушбу қарор қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.06.2020 йилдан кучга кирди.

7. Солиқ тўловчиларни сегментлаш, хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, инсон омиллини тўлиқ бартаф эътиборини олиб ҳисобга олиш ва маълумотларни назарда тутувчи «Тахлика-тахтил» тизimini яратиш.

8. Маҳаллий бюджетлар даромадини оширишда маҳаллий солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш учун «сайт» тизimini кенг жорий этиш.

3.3. Маълумотларни қайта ишлаш марказининг моддий-техника базасини кенгайтириш

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш маркази серверлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқа техник жиҳозларини модернизация қилиш.

2. Маълумотларни қайта ишлаш марказининг асосий ва захира биноларининг муҳандислик инфратузилмасини модернизация қилиш.

3. Давлат солиқ хизмати органларининг телекоммуникация қурилмалари ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи тизимларини модернизация қилиш.

4. Катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш ва таҳлил қилиш имконини берувчи «Big Data» технологиясини йўлга қўйиш.

5. Ахборот-коммуникация технологиялари паркинни боسقичма-боسقич янгилаш.

4-БОБ. КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасининг ҳажми 1 петабайтга ва маълумотларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш тезлиги 10 баробаргача ошди.

2. Солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган электрон давлат хизматларининг сифати ошди ва солиқларни ихтиёрли тўлаш даражаси 90 фоизгача етказилди.

3. «Онлайн назорат касса машиналари», «Электрон ҳисоб-варақ-фактуралар» ва бошқа марказлашган тизимлар орқали шаклланган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қўшимча тушумлар жалб қилинади.

4. Солиқ органларига юкланадиган вазифалар бўйича бизнес-процесслар ишлаб чиқилиши, такрорланишлар ва техник ишлар қисқариши ҳисобига меҳнат унумдорлиги ортади.

5. Ягона платформани яратиш орқали маълумотларни киритиш, тўплаш, шакллантириш, таҳлил қилиш қилаш ва соддалашуви натижасида солиқ ҳисоботларини топшириш жараёни 5-7 баробарга қисқаради.

6. Тизимга малакали кадрларни тайёрлаш учун масофавий таълим имкониятлари кенгайди.

7. Ахборотлар махфийлигини таъминлаш ва ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш ҳамда маълумотларни хавфсиз ва ишончли сақлаш имкониятлари 100 фоизгача етказилди.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 5 июндаги 359-сон қарорига
З-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарорига 3-иловланинг 5-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 811-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва қўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «шу жумладан пенялардан ташқари» сўзлари «шу жумладан, пенялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-бандда:

«а» кичик банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида шахсий ҳиссасини қўшган, иш устасининг мураккаблиги ва муҳимлиги ҳамда меҳнатда юқори натижаларга эришган, хизмат вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажараётган малакали, ташаббускор раҳбар ва ходимларга лавозим маошининг икки баробари миқдоригача шахсий устамалар бериш»;

«б» кичик бандда:

учинчи хатбошисидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдоригача ойлик йўл қарточкалари бериш ёки» сўзлари «ҳар ойда жамоа шартномасига мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«ҳодимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг меҳнат-ти самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда овқатланиш

харажатларини қоплаш учун жамоа шартномасига мувофиқ компенсация тўловларини тўлаш»;

ўнинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«давлат солиқ хизмати органларида ишлаб пенсияга чиққан ходимларга байрамларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир баравари миқдоригача ва соғлигини тиклаш учун бир йилда бир маротаба меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч баравари миқдоригача моддий ёрдам бериш»;

«в» кичик банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«давлат солиқ хизмати органлари ходимлари учун кийим-бош (жумладан спорт кийимлари ва формалари) сотиб олиш»;

«е» кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Давлат солиқ қўмитасининг Хайъати қарорига асосан қонунчиликда тақиқланмаган бошқа харажатлар учун»;

в) 13-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«13. Мазкур Низомнинг 12-банди «а» кичик банднинг иккинчи, бешинчи ва олтинчи ҳамда «б» кичик банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги тўловларнинг аниқ миқдори ва мезонлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ёки жамоа шартномасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Бунда, махсус унвон ва кўп йил хизмат қилганлик учун ҳар ойлик устамалар миқдорини белгилашда меҳнатга ҳақ тўлашга оид Ягона тариф сеткаси бўйича оширилган тариф коэффициентлари билан бир қаторда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан устамалар, шахсий устамаларни белгилашда эса уларнинг йиғиндиси миқдорлари қўшиб ҳисоб-китоб қилинади».

**Қарорга 2-илова «СБХ»да чоп этилмайдۇ. Хужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

РЕКЛАМА



«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизimini ЎЗБЕК ТИЗИМИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz; web: www.norma.uz

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

1-БОБ. УМУМий ҚОИДАЛАР

Солиқ маъмуриятчилигини таъминлаш бўйича давлат солиқ хизмати органларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини кенг жорий этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилигини самарали амалга оширишга ҳамда солиқ органларига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажаришга тўсқинлик қилаётган қуйидаги камчилик ва муаммолар мавжуд:

биринчидан, электрон давлат хизматлари ва ахборот тизимлари орқали маълумотлар базасига тушаётган мурожаатлар сони йилдан-йилга кескин ошиб бораётганлиги сабабли маълумотларни тезкорлик билан таҳлил қилиш имкониятини бермапти;

иккинчидан, Давлат солиқ қўмитасининг мавжуд сервер қурилмаларининг хотира ҳажми бугунги кунда 90 фоиз банд ва уларнинг ишлаш кафолатли мuddати тугабан, Маълумотларни қайта ишлаш маркази қурилмалари эскирган;

учинчидан, мавжуд ахборот тизимлари турли хил дастурлаш тилида ва бир-бирига мураккаб интеграциялашган ҳолда фойдаланилмоқда ҳамда ягона платформа мавжуд эмас;

тўртинчидан, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва онлайн назорат касса машиналари ҳамда ташқи манбалар орқали шаклланган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш учун мавжуд серверлар қуввати етишмаслиги оқибатида тизимда тез-тез узилишлар вужудга келмоқда;

бешинчидан, солиқ тўловчи билан солиқ органлари ўртасида маълумот алмашинувини таъминловчи ягона стандарт ва дастурий маҳсулотлар мавжуд эмас;

олтинчидан, солиқ базасини кенгайтириш учун идоралараро маълумотлар алмашиш даражаси паст;

еттинчидан, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш учун қўриладиган таъсир чораларини автоматик сегментлаш ва солиқ тушумлари хавфини тўлиқ баҳолаш механизми мавжуд эмас;

саққизинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги юқори малакали кадрларни тайёрлашда тизимли камчиликлар мавжуд.

Ушбу камчилик ва муаммолар солиқ тизимини жадал ривожлантириш, солиқ маъмуриятчилигида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг талаб даражасида йиғилишига ва солиқ тўловчиларга сифатли электрон давлат хизматлари кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан аниқ мақсад, вазифа ва асосий йўналишларни назарда тутувчи Давлат солиқ қўмитасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2-БОБ. СТРАТЕГИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Стратегиянинг асосий мақсади – солиқ маъмуриятчилигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этган ҳолда, солиқ тўловчиларга мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга шароит яратиш ҳисобига солиқ йиғимларини ошириш, шунингдек, инсон аралашувини чеклаш, қарор қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш ва ягона стандартларни жорий этиш ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Стратегиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат солиқ хизмати органларининг маълумотларни қайта ишлаш марказини ва идоралараро маълумотларни узатиш тармоғини модернизация қилиш;

солиқ маъмуриятчилигини автоматлаштиришда фойдаланиладиган ахборот тизимлари комплексининг ягона платформасини яратиш, маълумотларни визуализация қилиш тизимларини жорий этиш;

катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлашнинг самарали

усулларини ва илгор бизнес-таҳлил (Business Intelligence, Big Data) технологияларини жорий этиш;

солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологияларни жорий этиш орқали солиқ тўловчиларга контактсиз электрон хизматларни кўрсатишга босқичма-босқич ўтиш, солиқ тўловчи шахсий кабинетининг фойдаланиш доирасини кенгайтириш ҳамда электрон хизматларни кўрсатишнинг инновацион усулларини жорий қилиш;

«Онлайн назорат касса машиналашган», «Электрон ҳисобварақ-фактуралар» ва бошқа марказлашган тизимлар орқали шаклланган маълумотларни қайта ишлаш натижасида бозор конъюнктурасини ўрганиши, қўшилган қиймат солиғи зақидирини назоратга олиш, товар ва хизматларнинг иқтисодийёта ҳаракатлини мониторинг қилиш;

солиқ тўловчилар фаолиятига аралашини, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида «инсон омили»ни ҳамда коррупция ҳолатларини камайитириш имконини амалга ошириш солиқ назорати тизимини шакллантириш;

солиқ аудитининг ҳар бир қадамини автоматик тарзда қайд этиш, мониторинг қилиш, реал вақт режимида маълумот ва таҳлиллардан фойдаланиш орқали солиқ тизимини такомиллаштириш;

телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини химоя қилиш учун замонавий технологияларни жорий этишни таъминлайдиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таҳдидларининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши туриш ва бу борада кадрлар малакасини ошириш;

солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобини юритишда ягона идентификатор сифатида солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)дан фойдаланишдан жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)дан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашга эришиш.

3-БОБ. СТРАТЕГИЯНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш

1. Солиқ тўловчиларга шахсий кабинет орқали кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш.

2. Солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг мобил иловалари сонини кўпайитириш.

3. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш стандартлари ва методологиясини ишлаб чиқиш.

4. Тижорат Банклари ва бошқа ташкилотлар орқали солиқ тўловчилар ҳақидаги ахборотларни жамлаган (скоринг) хизмат турларини жорий этиш.

3.2. Замонавий ахборот тизимларини жорий қилиш орқали давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари комплексининг ягона платформасини яратиш;

2. Солиқ хизмати органларида замонавий бизнес-таҳлил (Business Intelligence) тизимини жорий этиш.

3. Солиқ аудитини автомат тарзда назорат қиладиган (Case Management System, Case Assessment System) тизимини яратиш.

4. Идоралараро ҳамкорлик орқали ахборот алмашинувида мавжуд муаммоларни бартираф этиш.

5. Солиқ органларига юкланадиган вазифалар бўйича бизнес-процессларни ишлаб чиқиш ва уларни автоматлаштириш.

6. Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобини юритишда ягона идентификатор сифатида солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)дан фойдаланишдан жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)дан фойдаланишга ўтиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси 2021 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни оsonлаштириш, шу жумладан қуйидагиларга имкон яратувчи сервислардан реал вақт режимида фойдаланишга ёрдам берадиган «Бизнес навигатор» ахборот тизимини жорий қилсин:

тадбиркорлик фаолиятининг тегишли ҳудуддаги рақобатбардosh турини танлаш;

кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш;

тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўчмас мулк объектларини танлаш.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблаглари «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларнинг молиялаштириш манбаси этиб белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ

қўмитаси билан биргаликда 2021 йилга мўлжалланган солиқ сисъатини такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда қуйидагиларни назарда тутсин:

ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдорини ўрнатиш;
якка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ишчиларига ёлланиб ишлаш асосида меҳнат фаолиятини олиб борувчи шахслар учун ўрнатилган солиққа тортиш тартибини татбиқ қилиш.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда амалий аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 8 июнь
ПҚ-4742-сон.

ЎзР Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР УЧУН ФАОЛИЯТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ТУРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Уйда репетиторлик қилиш – болалар ва катталар билан таълим фанлари бўйича якка тартибда ҳамда гуруҳ бўлиб машғулотлар ўтказиш
2. Болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар
3. Беморлар ҳамда домий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар
4. Уй хўжалигини юритиш ва уй ишларини бажариш, шу жумладан, турар жойларни тозалаш, овқат пишириш бўйича уй хўжалиқларига хизмат кўрсатиш
5. Хоналарни тозалаш, жисмоний шахс ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш
6. Уйда жисмоний шахсларнинг мебелларини таъмирлаш ва йиғиш
7. Жисмоний шахсларга мураккаб бўлмаган умумий қурилиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари (бетон қуйиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, гишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари)
8. Жисмоний шахсларнинг сантехника ускуналарини майда таъмирлаш ва ўрнатиш
9. Жисмоний шахсларга қавртира ичида (шахсий қурилиш ишларида – уй ичида) электр монтаж ишлари (электр хавфсизлиги бўйича рухсати бўлганда)
10. Дехқон ва фуқароларнинг томорқа участкаларида ер чопиш ва рекултивация ишлари
11. Фермер хўжалиқлари эгалари буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги ишлари (қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва ҳайвонларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиш ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлари)
12. Фуқароларнинг дала-ҳовли ва томорқа участкалари ландшафтини барпо этиш ишлари
13. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиб олишда дехқон ва томорқа участкалари эгаларига ёрдам бериш
14. Чорва молларини ўтлатиш, уларни парвариш қилиш
15. Жисмоний шахсларга компьютерларни таъмирлаш ва соzлаш, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш
16. Буюртмачининг уйда бажариладиган маиший техникани ўрнатиш ва таъмирлаш
17. Жисмоний шахсларнинг шахсий автомобилларини майда таъмирлаш, уларга аксессуарлар ва автосигнализация ўрнатиш, гилофлар ва пол қопламаларини тикиш
18. Жисмоний шахсларнинг автомобилларини ювиш, автомобиллар кузовларини силлиқлаш
19. Механизация воситаларини қўлламай, уйда бажариладиган юк ортиш-юк тушириш ишлари
20. Макулатура, пластик идиш, темир-терсақ ва қўшимча хом ашё тўплаш
21. Халқ табобати (лицензияси бўлганда)
22. Хусусий шахсларга бош хизматкор ва консьерж хизматларини кўрсатиш
23. Шахсий транспортдан фойдаланиб, жисмоний шахсларга товарларни етказиб бериш (юк ташиш бундан мустасно)
24. Бозорлар ва савдо комплексларида майда юкларни араваларда ташиш
25. Илгари фойдаланилган товарларни сотиб олиш ва сотиш
26. Велосипедларни таъмирлаш
27. Ёғоч меъморчилиги (болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан ясалган қурилмалар, ҳайкаллар)

28. Рассомлик
29. Металл таъмирлаш ишлари (уйда амалга ошириладиган маиший металл буюмларини таъмирлаш (калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа маиший металл буюмларини оддий таъмирлаш)
30. Уйда попкорн, фрезерда музқаймоқ тайёрлаш ва сотиш
31. Дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
32. Газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
33. Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр хизматлари
34. Косметолог хизматлари ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар
35. Уйда кир ювиш ва дазмоллаш хизматлари
36. Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантереяси буюмларини таъмирлаш, аҳолининг яқка тартибдаги бюуртмаси бўйича тикув ва трикотаж буюмларини, бош кийимларини ва тўқимачилик галантереяси буюмларини тикиш
37. Газламаларга нақшлар солиш (газламалар ва кийим ашёларини қўлда бўяш, газламаларга, шу жумладан трафаретли босма ва қўлда расм чизиш усули билан расмлар солиш)
38. Аҳолининг яқка тартибдаги буюртмалари бўйича пойабзал тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш
39. Яқка тартибда дераза ва эшик пардаларини тикиш ва таъмирлаш, каштачилик
40. Галантерея буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш
41. Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш
42. Калитлар тайёрлаш
43. Ўлчов воситалари тайёрлаш ва ижарага бериш
44. Гулчамбарлар (шу жумладан, мотам гулчамбарлари), сунъий гуллар, икебана, гул маржонларини тайёрлаш
45. Тўсиқлар, ҳайкаллар, металлдан ясалган гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш
46. Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш
47. Аквариум балиқлари, декоратив қўшлар ва бошқа ҳайвонларни кўпайтириш ва сотиш
48. Муסיқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш
49. Видео ва фотосуратга олиш хизматлари
50. Қадоқлаш ускуналаридан фойдаланмаган ҳолда уй шароитида миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш
51. Миллий нон ва патирларни тайёрлаш ва сотиш
52. Салатлар ва тузламаларни тайёрлаш ва сотиш, шунингдек, уй шароитида доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш ва ўтириш жойларини ташкил этмасдан ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ажратилган махсус жойларда сотиш
53. Уйда қуйиб сотиш учун салқин ичимликлар, айрон, гўжа ҳамда курт тайёрлаш ва сотиш
54. Тўғарақлар ташкил этиш ва юритиш
55. Тулумни шишириш хизматлари (таксидермик ишлар)
56. Гуллар ва декоратив дарактлар етиштириш ва сотиш (шу жумладан бонсай санъати)
57. Реклама буклетларини тарқатиш, уйда операторлар томонидан буюртмалар қабул қилиш
58. Муқовалаш ишлари
59. Намойишларда кийимлар моделини намоиш қилиш, расмли журналларда, реклама фильмлари ва видео клипларда суратга тушиш
60. Экскурсияни ташкил этиш ва ўтказиш хизматлари
61. Матни яратиш ва ишлов бериш (копирайтер, рерайтер, SEO-копирайтер, SEO-рерайтер, мусаҳҳих, контент-менежер, муҳаррир, e-mail орқали хатларни жўнатиш бўйича мутахассис, спичрайтер, транскрибер ва бошқалар)
62. Мультимедиа, дизайн ва санъат материалларини яратиш ва ишлов бериш (веб-дизайнер, графика дизайнери, компьютер ўйинлари дизайнери, интерьер дизайнери, ландшафт дизайнери, либослар дизайнери, ретушер, фотоколлажчи, вектор графикаси муҳаррири, архитектор, визуаллаштирувчи дизайнер, маълумот дизайнери, интерфейс дизайнери, техник дизайнер, моушн-дизайнер, баннер ясовчи, нашриёт дизайнери, флешер, 3D-дизайнер, видео муҳаррир, видеооператор, бастакор, овоз режиссёри, аранжировкачи, суҳандон, фото муҳаррир ва бошқалар)
63. Дастурий таъминот, ахборот тизимлари, мобил иловалар ва веб-сайтларни ишлаб чиқиш ва техник қўллаб-қувватлаш (дастурчи, дастурий таъминотни синовчи мутахассис, веб-саҳифаларни саҳифаловчи, веб-тахлилчи, веб-сайтларни оптимизациялаш бўйича мутахассис)
64. Таржима қилиш хизматлари (бадий адабиётни таржима қилиш, техник таржима, веб-сайтлар, фильмлар, компьютер ва мобил иловалар, тақдиротлар, видео, аудио ва рекламалар таржимаси)
65. Ижтимоий тармоқлардаги фаолият (PR-менежер, интернет-маркетолог, ижтимоий тармоқларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни илгари суриш ва реклама қилиш (SMM), ижтимоий тармоқ саҳифалари администратори, аккаунт-менежер, маркетолог, линк-менежер, таргетолог, контекст-реклама бўйича мутахассис, директолог, медиа режалаштирувчи, SMO мутахассиси)
66. Кадрлар танлаш соҳасидаги фаолият (интернет-лойиҳалар билан ишловчи менежер, фрилансёрлар гуруҳи раҳбари, HR-менежер, рекрутер, шахсий ассистент)
67. Онлайн консультация бериш (онлайн-консультант, онлайн-трёнер, молиявий маслаҳатчи, вебинар олиб борувчи)

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатиغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологияларини модернизация қилиш орқали солиқ маъмуриятчилигини янада тақомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари режаси (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар режаси) 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро алоқани масофавий тарзга ўтказиш, барча иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали тўлиқ автоматлаштириш ва интерактив давлат хизматлари сонини кенгайтириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ахборот тизимлари билан электрон ҳамкорлик орқали ахборот алмашинувини самарали ташкил этиш ҳамда бу борада мавжуд муаммоларни бартараф қилиш;

катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва улдардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

«Онлайн назорат касса машиналари», «Электрон ҳисобварақ-фактуралар» ва бошқа марказлашган тизимларни кенг жорий этиш;

иқтисодиётда хуфиёна фаолиятни қисқартириш, шаффофлик даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлик учун тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида солиқ органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда солиқ соҳасида илгор ва инновацион технологияларни эгаллаш ҳамда уларни амалиётда самарали таъбиқ этиш қўникмаларини ривожлантириш механизмларини жорий қилиш;

солиқ назорати тизимини солиқ тўловчилар фаолиятига ара-лашишни, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида «инсон омилли»ни ҳамда коррупция ҳолатларини камайтириш имконини берувчи масофавий таҳлил ишлари асосида ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини модернизация қилиш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказининг асосий серверларини Тошкент шаҳрида, захира серверларини Навоий вилоятидаги мавжуд биноларни мослаштирган ҳолда, халқаро стандартлар асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томони-дан:

Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда маълумотларни қайта ишлаш марказининг бугунги кундаги ҳолати аудитдан ўтказилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда маълумотларни қайта ишлаш марказини модернизация қилиш учун Жаҳон банкининг имтиёзли кредитларини жалб этиш бўйича дастлабки келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини модернизация қилиш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лойиҳаси доирасида:

а) асосий ва захира серверларини, шунингдек, юридик шахсларнинг ягона маълумотлар базасини ташкил этилиши, Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизимлари комплексининг ягона платформаси яратилиши, солиқ органларининг электрон ҳисоблаш техникалари ва коммуникация ускуналари паркинни янгиланиши кўзда тутилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси – бюрут-мачи этиб белгилансин;

в) қуйидагилар лойиҳани молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат Бюджети маблағлари; Жаҳон банки томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар;

Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жағғармаси маблағлари;

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази» ва «Солиқ-сервис» давлат унитар корхоналари маблағлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси: икки ой муддатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига Жаҳон банкига кредитларни жалб қилиш бўйича тегишли суров жўнатиш учун лойиҳа паспортини ўрнатилган тартибда киритсин;

масъул вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг тўла ҳажмида ва ўрнатилган муддатларда бажарилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисига малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини модернизация қилиш, ягона платформа яратиш ва амалиётга жорий этиш бўйича шартнома асосида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган вақтинчалик меҳнат жамоасини шакллантириш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Қудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 5 июнь
359-сон.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ((lex.uz) эълон қилинган ва 6.06.2020 йилдан кучда кирди.

Худудий танлов комиссияси мажлисининг натижалари тўғрисидаги ахборот қатнашмаган оферентга ёзма шаклда етказилади.

Танлов ташкилотчиси худудий танлов комиссиясининг талабига кўра, худудий танлов комиссиясининг мажлиси бошқа мuddатга кўчирилган тақдирда, офертани тақдим этиш мuddати узайтирилганлиги тўғрисидаги билдиришномани Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида маълум қилади.

30. Офертанинг мазмунини худудий танлов комиссияси мажлисида кўриб чиқиш давомида оферентларга тушунтириш беришга йўл қўйилади.

Бунда офертанинг мазмунини ўзгартирадиган, шу жумладан нархини ёки ижро этиш мuddатини ўзгартирадиган тушунтириш беришга йўл қўйилмайди.

31. Танлов ғолиби худудий танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади.

Худудий танлов комиссияси ғолибларни «қиймат-миқдор» (энг рақобатли нарх) мезонлари, ишларни (хизматларни) бажариш шартлари ва танлов ҳужжатларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

32. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида худудий танлов комиссияси томонидан танлов ғолиби бўлган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги ахборотлар танлов ташкилотчиси томонидан 3 иш куни ичида эълон қилинади.

33. Худудий танлов комиссиясининг ҳар бир мажлисида баённома юритилади.

Қоидага кўра, булар танлов ўтказиш тартиб-қоидаси билан боғлиқ конвертларни очиш, танлов ғолибини аниқлаш баёнлари ва бошқа баёнлар.

34. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига инвестиция мажбуриятлари шартномасини бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда кейин беш кундан кеч бўлмаган мuddатда ёзма билдиришнома юборади.

Танлов ташкил этиш ва ўтказиш схемаси ушбу Низомга 2-иловада** келтирилган.

35. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва ғолиб ўртасида инвестиция мажбуриятлари тўғрисидаги шартнома тузилгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида танлов натижалари (предмет, ғолиб, шартномавий нарх ва лойиҳани амалга ошириш мuddати) тўғрисида эълон берилгандан кейин танлов тугаган деб ҳисобланади.

36. Танлов ғолиби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда объект қурилиши сугурта қилинишини таъминлайди.

37. Қуйидаги ҳолларда, агар: танловга қатнашиш учун икхитадан кам оферта тушса; тақдим этилган оферталар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

оферентлар томонидан тақлиф этилган нархлар танлов предмети «қиймат-миқдор» мезонларидан ортқ бўлса, танлов ўтказилмаган деб ҳисобланади.

38. Танлов ғолиби шартнома тузишни рад этган ёки шартнома белгиланган мuddатда унинг бажарилиш кафолати тақдим этилмаган тақдирда, худудий танлов комиссияси иккинчи ўринини олган оферентни эътифоз этиши ёхуд такрорий танлов ўтказилишини тайинлаши мумкин.

39. Агар танлов пайтида овозлар сони тенг бўлса (яъни қарши, рози, бетарafd), ҳал қилувчи овоз танлов комиссияси раисидан қолади.

9-§. Қурилиш тугалланмаган объектлар бўйича танловлар

40. Тадбиркорлик субъектлари томонидан танлов шартларига риоя этилмаганлиги тўғрисида лойиҳалар мuddатидан олдин бекор қилинган ҳолларда, қурилиш тугалланмаган объектлар бўйича такрорий танловлар ўтказилишига йўл қўйилади.

Бунда худудий танлов комиссияси қарорига кўра бекор қилинган инвестиция мажбуриятлари шартномаси бўйича тугалланмаган ишлар ҳажмини аниқлаш мақсадида назорат ўлчови ўтказилади.

41. Қурилиш тугалланмаган объект бўйича ўтказилган танлов якунлари бўйича ғолиб билан ишларнинг тугалланмаган қисмини бажариш юзасидан келишув тузилади.

42. Тадбиркорлик субъектлари томонидан танлов шартларига риоя этилмаганлиги тўғрисида лойиҳалар мuddатидан олдин бекор

қилинган ҳолларда, ҳосил бўлган қурилиш тугалланмаган объектлар бўйича талаблар инвестиция мажбуриятлари шартномасида келтирилади.

3-БОБ. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛИШНИНГ МОНИТОРИНГИ ВА ТАНЛОВДА ҒОЛИБ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

43. Тадбиркорлик субъекти техник-назоратчиси томонидан тақдим этиладиган ҳар ойлқ ахборотни таҳлил қилиш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан мониторинг амалга оширилади.

44. Инвестиция мажбуриятлари шартномаси мажбуриятларининг бажарилиши бўйича назорат вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига юкланади.

45. Танловда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни амалга оширишни ўз вақтида таъминлайди: лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тегишли ташиқлотларда экспертизадан ўтказиш;

қундалик техник назоратни амалга ошириш учун мустақил мутахассис ёки ташкилот билан шартнома имзолаш; ажратилган ер участкаси бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш аризаларини тайёрлаш;

уй-жойлар қурилиши учун танланган ҳар бир ер участкаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг худудий бўлинмаларининг давлат экологик экспертизаси хулосаларини олиш;

қурилиш материалларини харид қилиш; уй-жойларни канализация тармоқларига ёки локал оқава сув тозалаш иншоотларига ва ташқи ичимлик сув тармоқларига улаш; уй-жойларни ташқи газ ва электр тармоқларига улаш.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

46. Танлов тартиб-қоидасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар ва низолар, танлов ташкилотчиси ёки танловнинг бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари юзасидан шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

47. Аризалар, мурожаатлар ва шикоятларни кўриб чиқишнинг батафсил механизми Танлов комиссиялари иши низомида ва намунавий танлов ҳужжатларида келтирилган бўлиши керак.

48. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

49. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари кўп квартирали уй-жой қурилиши режалаштирилган макромасивларни тайёр ҳолга келтириш бўйича қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

макромасив кўринишида кўп квартирали уй-жой қурилиши учун ер участкаларининг танланиши; бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларнинг ўз вақтида берилиши; тортиб келинадиган майдон ва ички сув, канализация, муҳандислик – коммуникация тармоқларини ва автомобиль йўлларини қуриш;

танлов ўтказилиши учун барча шароитларнинг ўз вақтида яратилиши, танлов комиссияси ишларининг тўғри ташкил этилиши, танлов ўтказилиши ва натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ ошкор этилиши.

50. «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудга таъминот» АЖ тортиб келинадиган ва майдон ички электр таъминоти ва газ таъминоти тармоқларининг ўз вақтида қурилиши учун жавобгар ҳисобланади.

51. Танлов ташкилотчиси танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жавобгар ҳисобланади.

Танлов ташкилотчиси танловга тегишли барча ҳужжатлар, жумладан, талабларнинг танлов тақлифлари ички тартиб ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов тугагандан кейин камидан уч йил мобайнида сақланишини таъминлаши шарт.

52. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ушбу қарорга мувофиқ ўтказиладиган танлов иштирокчиларининг рақобатга қарши хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, шунингдек, кўп квартирали уйлари қуриш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларда уй-жой сотиб олувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА КЎП КВАРТИРАЛИ УЙ-ЖОЙЛАРНИ ҚУРИШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизми тарихини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловлар ўтказишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мубофиқ тасдиқлансин.

2. Белгиланган тартибда, 2020 йил 1 июндан бошлаб:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ер участкалари қурилиши режалаштирилган уй-жойлар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сугориладиган ерлар ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ҳамда аҳолини мажбурий кўчириш хавфи бўлмаган тақдирда ажратилади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузурдаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини қўриб чиқувчи комиссиянинг тарихига Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги «Узгидромет» марказининг худудий бўлиналари вакиллари киритилади ҳамда уларнинг ҳулосаси олинлади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш бўйича танлов савдоларида галиб бўлган тадбиркорлик субъектлари билан инвестиция шартномалари тузилади;

кўп квартирали уй-жойларни қуриш бўйича ажратилган ер массивлари (участкалари) ва локал оқова сув тозалаш иншоотларининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш ҳулосаси халқаро молия институтлари талабларидан келиб чиқиб тайёрланади ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг худудий бошқармалари томонидан ҳар бир массив ва тозалаш иншоотлари бўйича давлат экологик экспертизаси ҳулосалари берилади;

кўп квартирали уй-жойларни қуриш жараёнида халқаро молия институтлари талабларидан келиб чиқиб, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва ижтимоий бошқарув тизими жорий этилади.

3. Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловларни таш-

кил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказларига юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уй-жой қуриш жараёнида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва ижтимоий бошқарув тизimini татбиқ этиш бўйича халқаро молия институтлари талаблари асосида бир ой мuddатда тартиб ишлаб чиқин ва тасдиқласин;

тасдиқланган тартиб асосида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва ижтимоий бошқарув тизими бўйича ҳисоботларни тайёрлаб, белгиланган мuddатда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш бўйича танланган тадбиркорлик субъектлари билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ўртасида тузиладиган кўп квартирали уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир намунавий инвестиция мажбуриятлари шартномасининг лойиҳасини бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги кўп квартирали уй-жойлар ва муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш бўйича лойиҳа ечимларининг ва баҳариланган ишларнинг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига риоя этилиши юзасидан давлат қурилиш назоратини ўрнатсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И.Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 4 июнь
355-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 4 июндаги 355-сон қарорига
ИЛОВА

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА КЎП КВАРТИРАЛИ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРАДИГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектлари учун танловлар ўтказиш механизмининг, мезонларини (жумладан «қиймат-миқдор» мезонларини) ҳамда қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича танловларни ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан янги тартиб асосида қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловлар ўтказиш учун қўйиладиган талаб этилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан туман маъмурий марказларига туташ худудларда кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизми тарихини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони (кейинги ўринларда – Фармон) талаблари асосида ер участкаларини ажратиш ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги «Узгидромет» марказининг худудий бўлиналари билан келиши;

архитектура-режалаштириш топширигини (кейинги ўринларда – АРТ) ишлаб чиқиш харажатларини туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан АРТ ишлаб чиқилган кунда тўлиқ тўлаб бериш;

тортиб келинадиган ва майдон ички сув таъминоти ва канализация тармоқлари ҳамда автомобиль йўллари қуриш объектларини молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

«Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан тортиб келинадиган ва майдон ички электр ва газ таъминоти тармоқларини қуриш объектларини молиялаштириш манбаларини аниқлаш.

3. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ((lex.uz) эълон қилинган ва 5.06.2020 йилдан кучда қирди.

макромассив – вилоятлар шаҳарлари ва туман маъмурий марказларига туташ худудларда камиди 200 та квартирани ўз ичига олган кўп квартирали уй-joyлар қурилиши режалаштирилган ер участкаси;

танлов ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилишга танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказлари;

танлов предмети – қишлоқ жойларда ўз маблаглари, тижорат банклари кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан «фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш» шартларида кўп квартирали уй-joyлар қурадиган тадбиркорлик субъектлари учун ҳудудий ҳоқимликлар томонидан белгиланадиган талаблар (хизматлар) рўйхати;

лот – танловнинг бўлинмайдиган предмети;

намунавий танлов ҳужжатлари – белгиланган тартибда тасдиқланадиган талаблар ва ҳужжатлар (танловга тақлифнома, унинг қатнашчиларига қўйиладиган малака талаблари, танлов тақлифларини баҳолаш мезонлари ва уларни баҳолаш шакллари, инвестиция мажбуриятларининг шартнома шакллари);

танлов ҳужжатлари – намунавий танлов ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган, танлов предметининг техник, молиявий, тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари, танловни ташкил этиш шартлари ва ўтказиш тартиб-қоидаси ҳақидаги бошланғич маълумотлардан иборат бўлган ҳужжатлар туркуми;

танлов комиссияси – танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тадбиркорлик субъектини аниқлаш учун мазкур Низомга мувофиқ ташкил этиладиган коллегиал орган;

талабгор – тақлиф этилган шартлар асосида танловда қатнашиш тўғрисида ўз истagini билдирган ҳамда унинг офертаси танлов ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган танлов ҳужжатларини олган юридик шахс;

пудрат ташкилоти – талабгор томонидан танланмадиган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи юридик шахс ёки талабгорнинг ўзи;

оферент – танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ тайёрланган ва танлов ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган ўз офертасини тақдим этган талабгор;

оферта – талабгорнинг танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган танлов предметига нисбатан тақлифи;

баҳолаш мезонлари – оферталарни баҳолаш, талабгорларни танлаб олиш ва танлов голбинни танлаб олиш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

офертанинг таъминланиши тўғрисидаги декларация – оферентнинг офертадаги барча талаблар ва шартларга риоя этиш юзасидан сўзсиз ва моддий мажбурияти;

квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати – Фармонга асосан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда тасдиқланадиган квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати;

инвестиция мажбуриятлари шартномаси – ер участкасини кўп квартирали уй-joyларни қуриш учун уй-joyлар қуриш муддати, квартира бир квадрат метрни тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қийматидан ошмаган ҳолда сотиш, техник назоратни амалга ошириш учун мутахассис жалб қилиш ва бошқа инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шартли билан тузилган икки томонлама шартнома.

2-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ

1-§. Танлов қатнашчилари

4. Ҳудудий танлов комиссияси, танлов ташкилотчиси ва оферентлар – танлов қатнашчилари ҳисобланади.

5. Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-joyлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳоқимларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Танлов комиссиясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши Раисининг ўринбосари ва вилоятлар ҳоқимларининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари (кейинги ўринларда – вилоятлар ҳоқимларининг ўринбосарлари) раҳбарлик қилади.

6. Танлов ўтказиш учун мазкур Низомга 1-иловадаги** таркибда комиссия тузилади.

7. Танлов комиссия аъзоси малакали, танлов соҳасида амалиёт ва кўникама эга бўлиши лозим.

8. Танлов комиссияси аъзолари 9 кишидан иборат бўлиши ва агар, комиссия аъзоларининг камиди тўртдан уч қисми мажлисда қатнаша, ўз функцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

2-§. Танлов комиссиясининг асосий функциялари

9. Қуйидагилар танлов комиссиясининг асосий функциялари ҳисобланади:

талабгорлар томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг танланган ерининг бош режасига мослигини инобатга олиши; қишлоқ жойларда «фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш» шартларида кўп квартирали уй-joyлар қурилиши бўйича тадбиркорлик субъектларини аниқлаш юзасидан ўтказиладиган танловни ўз вақтида сифатли ўтказиш ишларини тизимли ташкил этиш;

танлов комиссиясининг регламенти, танлов ҳужжатларини ва талабгорларга қўйиладиган танлов тақлифларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

танлов ҳужжатларида қайд этилган танловда қатнашишга буюртманомани таъминлаш шаклини тасдиқлаш;

офертани қабул қилишнинг охириги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақтини ва жойини белгилаш;

оферентларнинг малака, техник ва тижорат тақлифларини ўрганиш;

оферта солинган конвертларни очиш, конвертларни очиш тўғрисидаги баённи тасдиқлаш;

танлов тақлифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддатларини тасдиқлаш;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ офертани ўрганиш, таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш;

танлов натижаси бўйича қарор қабул қилиш;

танловни ўтказиш давомида юзага келадиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш, тартибга солиш;

лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган танлов бўйича масалаларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш.

3-§. Оферентларнинг малака, техник ва тижорат тақлифларини ўрганиш

10. Танлов комиссияси оферентларнинг малака, техник ва тижорат тақлифларини ўрганади.

11. Оферентларнинг малака, техник ва тижорат тақлифларини ўрганиш бўйича баҳолаш гуруҳларининг таркиби комиссия аъзоларидан шакллантирилади.

12. Зарурат бўлганда, танлов комиссиялари оферентларнинг танлов тақлифларини баҳолаш учун эксперт ва маслаҳат ташкилотларининг вакилларини жалб этиши мумкин.

4-§. Танловни ўтказишга тайёргарлик ишлари

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоқимликлари томонидан аниқ макро массив (лот, қурилиш участкаси) бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон жойлаштирилганга қадар режалаштирилган макро массивларни тайёр ҳолга келтириш бўйича қуйидагилар амалга оширилган бўлиши шарт: макро массив кўринишида кўп квартирали уй-joy қурилиши учун ер участкаларининг танланishi;

бирламчи рўхсат берувчи ҳужжатларни (танланган ер майдонининг топографик сурати ва геология хулосаси, АРТ ҳужжатлари) тайёрланиши;

қонунчиликда белгиланган тартибда тортиб келинадиган ва майдон ички сув таъминоти, канализация (локал оқова сув тозалаш иншоотлари), электр ва газ тармоқларини ҳамда автомобиль йўллари қуриш ишларини молиялаштириш манбаси, техник топшириқлар ва бажарувчи тегишли ташкилотлар аниқланиши.

**Низомга 1–2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

14. Танловни ўтказишга тайёргарлик давомида танлов комиссиясининг мурожаатномасига биноан танлов ташкилотчиси танлов ўтказилишидан 30 кун олдин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказиш тўғрисида эълон беради.

15. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда куйидаги маълумотлар бўлиши керак:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Қурилиш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказларининг номи, жойлашган жойи ҳамда электрон манзили;
танлов предметининг тавсифи ва у амалга ошириладиган жой;
танлов предметининг ўз маблағлари, тижорат банкларни кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши;

танлов предметини амалга ошириш мuddати;
талабдорларга қўйиладиган асосий шартлар (намунавий танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилади);
талабдорлар томонидан танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш учун мурожаат этиладиган манзил;
оферта тақдим этиладиган жой, тақдим этишнинг охириги куни ва вақти;
офертани очиш жойи, куни, вақти.

5-§. Танлов ҳужжатларининг таркиби, тузилиши, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

16. Танлов ҳужжатлари учта асосий қисмдан: рухсат берувчи (малака), техник ва тижорат қисмларидан иборат бўлади.

17. Танлов ҳужжатларининг рухсат берувчи (малака) қисми куйидагилардан иборат бўлади:

танлов комиссияси таркибини тасдиқловчи ҳужжат;
танлов комиссиясининг иш низоми тасдиқлаш бўйича мажлис баёни;
бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар тайёрлиги бўйича комиссия қарори;
комиссиянинг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори;
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган танлов ўтказиш тўғрисидаги эълоннинг матни.

18. Танлов ҳужжатларининг техник қисми куйидагилардан иборат бўлади:

талабдорларнинг танловда қатнашиш учун буюртманомаси шакли;

талабдорнинг малакаси ҳамда техник ва молиявий ҳолатига баҳо беришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар, тақлифларни молиявий баҳолаш ва танлов солибини аниқлаш мезонлари, танлов тартиб-қоидаcига тегишли бўлган бошқа ҳужжатлардан иборат йўриқнома;

бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар тўплами;
офертани тайёрлаш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва шакллари рўйхати.

19. Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми куйидагиларни ўз ичига олади:

илова қилинадиган нарх тақлифи бўйича хатнинг шакли;
танлов тақлифини таъминлаш тўғрисида кафолат шакли (декларациялар, банк кафолатлари, буняклар тарзида ёки қонунчиликда белгиланган бошқа шаклда);

оферент танловнинг солиби деб эътироф этилган тақдирда, инвестиция мажбуриятлари шартномасини бажариш кафолати;
қўп квартиралли уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи, лойиҳа эскизи;

тижорат тақлифи (квартиранинг бир квадрат метрининг реализация нархи);

инвестиция мажбуриятлари шартномасининг лойиҳаси.

20. Офертани тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади. Тақдим этиладиган оферта танлов ҳужжатлари ва шартлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

21. Танлов ҳужжатларига, офертани ўраб-жойлашга ва маркировка қилишга, тақлифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларига қўйиладиган шартлар ва талаблар ҳудудий танлов комиссиялари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Офертани тақдим этиш мuddати тамом бўлгунга қадар танлов

ташкilotчиси ҳудудий танлов комиссиясининг талабига қўра, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бу тўғрисида танлов ҳужжатлари эълон қилинган электрон манзилда дарҳол хабар етказиш, офертага тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақтда офертанинг тақдим этиш мuddатини узайтириш ҳуқуқига эга.

22. Талабдорлардан тақлифлар танлов ташкilotчилари томонидан қабул қилиб олинди ва танлов ўтказиладиган кунга қадар хавфсиз ва тўлиқ сақланишига масъул бўлади.

Куйидагилар танлов ташкilotчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилаш;
танлов предметига қўйиладиган махсус, техник ва тижорат талабларини ҳисобга олган ҳолда танлов ўтказиш учун танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

белгиланган шакл бўйича танлов ўтказилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон бериш;

агар танлов ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, аризалар ва оферталарни қабул қилиш, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлаш;

шартнома асосида мустақил экспертлар ёки маслаҳатчиларнинг ишларини ташкил этиш;

талабдорларга танлов ҳужжатларини тақдим этиш;

6-§. Талабдорга қўйиладиган талаблар

23. Талабдорга куйидаги талаблар қўйилади:
қўп квартиралли уй-жойларни қуриш учун талаб этилаётган маблағларнинг (ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар) мавжудлиги;

танлов савдоларига қўйилган объектларга ўхшаш объектларда иш тажрибасининг мавжудлиги;

олдин ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар;

қурилишни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

Юқорида келтириб ўтилган талаблар талабдорга ёки талабдор томонидан жалб этиладиган пудрат ташкилотига таъбиқ этилади.

Техник тақлифларнинг барча талаблари «мувофиқ/мувофиқ эмас» тамойилига асосан баҳоланади.

24. Танловда қатнашиш учун талабдорларга қўйиладиган талаблар бўйича мезонлар ҳудудий танлов комиссиясининг регламентига ва намунавий танлов ҳужжатларида келтирилади.

25. Қайта ташкил этиш (ажратиб чиқариш, бўлиб юбориш), туғатиш босқичидаги ёки мол-мулкни хатланган банкротлик босқичидаги талабдорлар танловда иштирок этишга қўйилмайди.

7-§. Офертани тақдим этиш

26. Талабдорнинг имзоси билан тасдиқланган оферта танлов ташкilotчисига елимланган ва муҳрланган конвертда юборилади.

27. Оферталарни тақдим этиш мuddати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб 30 кунни ташкил этади.

28. Офертани тақдим этиш мuddати тамом бўлгандан кейин тақдим этилган талабдорларнинг оферталари қабул қилинмайди.

Офертани тақдим этиш санаси танлов ташкilotчисининг, оферта почта билдиришномаси олинганлиги тўғрисидаги қайда бўйича ёки танлов ташкilotчисининг офертанти берилган оферта олинганлиги тўғрисидаги билдиришномаси санаси бўйича (оферта чопар орқали етказилган тақдирда) аниқланади.

8-§. Тақлифларни баҳолаш ва танлов яқунлари бўйича солиқларни эълон қилиш

29. Оферталарни бериш мuddати тамом бўлгандан кейин ҳудудий танлов комиссияси тушган ва рўйхатдан ўтказилган оферталарни оферентларнинг вақиллари иштирокида очади, бутлигини текширади, оферентларнинг номларини эълон қилади, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳужжатларнинг тақдим этилган туркумлари мазмунини текширади.

НОРЕЗИДЕНТЛАРГА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР: ҚҚС БЎЙИЧА ИМТИЁЗ

? *Ўзбекистон ҳудудида норезидентларга туристик хизматларни кўрсатишда ҚҚС бўйича имтиёз сақлаб қолинганми?*

– Йўқ, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб ҚҚС бўйича имтиёз амал қилмайди.

Илгари туристик фаолиятни амалга оширишда ҚҚС бўйича имтиёз кўзда тутилган эди (2007 йил таҳриридаги СК 208-м. 15-б.) 2020 йилдан кучга кирган Солиқ кодексининг янги таҳририда мазкур имтиёз мавжуд эмас. 25.12.2007 йилдаги ЎРҚ-136-сон Қонун билан тасдиқ-

ланган Солиқ кодексидан назарда тутилган солиқ бўйича имтиёзлар 2020 йилнинг 1 апрелига қадар амал қилган (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонун 4-м.).

Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам резидентларга, ҳам норезидентларга туристик хизматларни кўрсатишда 15%лик ставка бўйича ҚҚС солинади.




СОЛИҚЛАР ВА ХИСОБОТЛАР – МОЛ-МУЛК ЖОЙЛАШГАН ЖОЙ БЎЙИЧА

? *Корхона Юнусобод туманида рўйхатдан ўтказилган. Мирзо-Улугбек туманидаги кўчмас мулкни харид қилган. Мол-мулк солиғи қайси туманда тўланади?*

– Кўчмас мулк объекти корхона ҳисобга қўйилмаган жойда жойлашган бўлса, корхона объектни у жойлашган жойда ҳисобга қўйиши лозим. Бунинг учун объектлар жойлашган ердаги солиқ органига ушбу кўчмас мулкка кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан эътиборан 10 кун мобайнида мурожаат қилиши керак (СК 131-м. 3-қ.).

Нотуғар кўчмас мулк бўйича ер солиғи ва мол-мулк солиғи объект жойлашган жойдаги солиқ органига тўланади, солиқ ҳисоботи ҳам шу ерга тақдим этилади.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



ФОИЗСИЗ ҚАРЗДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДГА СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИ

? *Бизнинг умумбелгиланган солиқларни тўловчи МЧЖ ягона муассис бўлган умумбелгиланган солиқларни тўловчи бошқа МЧЖдан фоизсиз қайтариш шарти билан қарз олган.*

Корхона ягона муассис бўлган корхонадан фоизсиз қарз олганда, солиқ тўловчиларнинг консолидацияланган гуруҳи иштирокчиси сифатида қарз олувчида даромадни аниқлаш мумкинми?

– Қарз берувчига фоизли даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз олиш санасида МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаси билан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма солиқ тўловчилар консолидацияланган гуруҳининг бир иштирокчиси томонидан айтилиши шу консолидацияланган гуруҳнинг бошқа иштирокчисига бериладиган қарзларга нисбатан татбиқ этилмайди (СК 299-м. 4-қ., 5-қ. 3-б.).

Солиқ тўловчиларнинг консолидацияланган гуруҳи деб солиқ тўловчиларнинг хўжалик фаолияти бўйича жами молиявий натижасини ҳисобга олган ҳолда фойда солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш мақсадида, СКда назарда тутилган тартиб ҳамда шартларда тегишли шартнома асосидаги ихтиёрий бирлашмаси эътироф этилади (СК 61-м. 1-қ.). СКнинг 5-бобида назарда тутилган солиқ тўловчиларнинг консолида-

цияланган гуруҳига тааллуқли қондалар 2022 йил 1 январдан амалга киритилади (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонуннинг 6-моддаси). Тегишинча, ягона муассисдан фоизсиз қарз олинганда консолидацияланган гуруҳ бўйича нормалар қўлланилмайди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида апрель ойидан бошлаб 2020 йил якунига қадар қарз берувчига фоиз шаклида даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз тақдим этилганда, солиқ солиш мақсадида қайта молиялаш ставкаси (асосий ставка) асосида аниқланган даромад фойда солигини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди ва ўз навбатида солиққа тортилмайди (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-банди 8-хатбоисиси).

ХИСОБ-КИТОБДА ХИСОВВАРАҚ-ФАКТУРА САНАСИ БЎЙИЧА АКС ЭТТИРИШ

? *Сигнализация ўрнатиш ишлари ҳақи ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 2020 йил 29 майда тўланган. Яъни ҳисоб-китоб қилиш чоғида ҳисобга олинмаган ҚҚС тўланган. Июнда сигнализация ўрнатилган, ҳисовварақ-фактуралар ёпилган ва бажарилган ишлар далолатномаси тузилган. Тўлов май ойида тўланган (кўчирма), ишлар июнь ойида бажарилган (ҳисовварақ-фактура, далолатнома).*

Етказиб берувчига бўнак бошқа ойда тўланган, ҳисовварақ-фактура ундан кейинги ойда олинган бўлса, ҳисобга олинмаган ҚҚС қайси ойда кўрсатилиши лозим?

– Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида (1-илова, АВ томонида 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) олинган хизматлар бўйича ҳисобга олинмаган сумма тегишли ҳисовварақ-фактура олинган ойда, сизнинг ҳолатда июнь ойида кўрсатилиши лозим.

Ҳисовварақ-фактура ёки етказиб берувчи томонидан тақдим этилган

солиқ суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат олинганда ҳамда товарларни (хизматларни) етказиб берувчи ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилганда, солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган ҚҚС суммасини ҳисобга олишга ҳақли бўлади (СК 266-м.).

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Бад.т.п.маржон кўча, 1/1. Тел.: (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz; web: www.norma.uz



Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР МАВЖУД ЭМАС

? 2020 йил январь ойида ХУМШ ташкил этмаган ҳолда янги қурилган уй-жойларга хизмат кўрсатиш мақсадида бошқарувчи компания (айланмадан олинандиган солиқни тўловчи) очдик (ТХШТ коди – 1153).

1. Мулкдорлар билан шартнома қандай тузилиши керак: ҳар бири билан алоҳидами ёки бир уй учун битта шартнома етарли бўладими?
2. ХУМШ ташкил этилмаган ҳолда тузилган бошқарувчи компания томонидан янги уй-жойларга хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича айланмадан олинандиган солиқ ёки умумбелгиланган солиқларга оид имтиёз назарда тутилганми?

1 Бошқарувчи ташкилот томонидан ҳар бир мулкдор билан алоҳида шартнома тузилиши лозим.

Ширкат тузилмаган кўп квартиралли уй бошқаруви бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан кўп квартиралли уйда турар жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилади (УЖКнинг 138-м.). Уй-жой

фондини бошқариш шартномасининг намунавий шакли Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот бир томондан, ва уй-жой фонди мулкдори ёки ширкат, агар ширкат ташкил этилмаган бўлса, кўп квартиралли уйдаги турар жойлар мулкдорлари иккинчи томондан, уй-жой фондини бошқариш шартномасининг тарафларидир (УЖКнинг 139-м.).

2 Йўқ, уй-жой фондига техник ва таъмирлаш хизматлари кўрсатиш кўринишидаги фаолиятнинг юртадиган тижорат ташкилоти учун қонун ҳужжатларида айланмадан олинандиган солиқ бўйича ҳам, умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳам солиқ имтиёзлари назарда тутилмаган.

Бошқарувчи ташкилот хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатидан (ХУМШ) фарқли ўлароқ, тижорат ташкилоти ҳисобланади. Ташкилий-ҳуқуқий шакл тас-

нифлагичи (ТХШТ) бўйича 1153 коди ҳўжсалик ширкатлари шаклидаги тижорат ташкилотларига берилади. Иштирокчиларнинг улушларига бўлинган устав фондига эга бўлган тижорат ташкилоти ҳўжсалик ширкати ҳисобланади, унда иштирокчилар ёки улардан айримлари ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти юритишда шахсан иштирок этадилар (*«Хўжсалик ширкатлари тўғрисида»*ги Қонуннинг 3-моддаси).

Замира ЖўРАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИНГ ҚАЙТАРИЛИШИ – ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

? Ишлаб чиқариш корхонаси умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Харидор тайёр маҳсулотни қайтариб берди. Тайёр маҳсулот 2020 йилда реализация қилинган ва қайтариб берилган бўлиб, харидор улар учун тўловни амалга оширмаган.

1. Харидор томонидан тайёр маҳсулотнинг қайтарилиши қандай бухгалтерия ўтказмалари орқали акс эттирилади?
2. Харидор томонидан тайёр маҳсулот қайтарилиши Фойда солиғи ҳисоб-китобининг қайси сатрида акс эттирилади?

1 Харидор томонидан тайёр маҳсулот қайтарилишидаги бухгалтерия ўтказмалари:

Хўжсалик операциясининг мазмуни	Сўтлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Тайёр маҳсулот қайтарилиши акс эттирилди	9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган ҳисобварақлар»
Қайтарилган тайёр маҳсулот бўйича ҚҚС суммасига тузатиш киритилди	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган сўтлар»
Қайтариб берилиши муносабати билан реализация қилинган тайёр маҳсулот таннархига тузатиш киритилди	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	9110-«Реализация қилинган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»
Ойнинг охирида 9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши» ҳисобварағи ёпилган	9010-«Тайёр маҳсулотларни реализация қилишдан даромадлар»	9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»

2 Харидор томонидан тайёр маҳсулот қайтарилиши Фойда солиғи ҳисоб-китобда (3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) алоҳида сатр билан акс эттирилмайди. Ҳисоб-китобга 1-илова «Янги даромад»нинг 020-сатри бўйича тайёр маҳсулотни сотишдан тушган даромадлар қайтариб бериш суммасини чегирган ҳолда акс эттирилади.

Реализация қилинган маҳсулот қайтариб берилиши муносабати билан таннархнинг пасайтирилиши ҳам Фойда солиғи ҳисоб-китобда алоҳида сатр билан акс эттирилмайди. Реализация қилинган тайёр маҳсулот таннархи эса Ҳисоб-китобга 2-илованинг 020-сатри бўйича қайтариб берилган маҳсулот таннархини чегирган ҳолда акс эттирилади.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

? Корхонада бино изгараси бўйича бир неча ой учун қарздорлик шаклланди. Изгарага олувчи корхона директори изгара тўловини ўзининг ҳисобидан нақд пулда банк кассаси орқали изгарага берувчи юридик шахсга тўлаб берди. Изгарага олувчи корхона пуллари директорга қайтариб бермайди:

1. Бунда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?
2. Мазкур операция қандай бухгалтерия ўтказмалари билан расмийлаштирилади?

ИЖАРА ТЎЛОВИНИ БЕГАРАЗ ТЎЛАБ БЕРИШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

1 Директор (ёки бошқа жисмоний шахс) томонидан корхона учун ижара тўловини бегараз тўлаб берилиши корхона учун бегараз олинган молиявий ёрдам бўлиб ҳисобланади ва даромад сифатида тан олинади (СК 299-м. 1-қ.).

Бунда ижара тўловини тўлаб бериш кўринишида бегараз молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш мақсадга мувофиқ.

Корхона фойда солиғини тўлаган тақдирда, мазкур сумма солиқни ҳисоблаш-

да жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 10-б., 299-м.).

Айланмадан олинандиган солиқни тўлайдиганлар ҳам мазкур суммани жами даромад таркибига киритадилар (СК 299-м., 463-м. 1-қ.). Бегараз молиявий ёрдамдан олинган даромадга корхонанинг ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича умумий жами даромадларидаги улуши устулик қиладиган фаолият тури учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича солиқ солинади (СК 468-м. 3-қ.).

2 Корхона директори (ёки бошқа жисмоний шахс) томонидан корхона учун ижара тўловини бегараз тўлашдаги бухгалтерия ўтказмалари:

Хўжсалик операциясининг мазмуни	Сўтлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Директор (ёки бошқа шахс) томонидан корхона учун ижара тўлови тўланди	6910-«Тўланадиган оператив ижара»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Бегараз олинган молиявий ёрдамдан кўрилган даромад акс эттирилди	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	9380-«Бегараз молиявий ёрдам»

ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА ВА СОЛИШТИРМА ДАЛОЛАТНОМА СУММАЛАРИДАГИ ТАФОВУТ ҲИСОБДА ҚАНДАЙ АКС ЭТТИРИЛАДИ

? Уяли оператор биллинг тизими орқали уяли алоқа хизматларини кўрсатади. Бизга ҳисобварақ-фактурани тақдим этади, унда сумма сўм ва тийинда кўрсатилади. Ой якунлари бўйича уяли оператор томонидан ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномаси тақдим этилади, у биллинг тизимида шакллантирилади ва тийинлар яхлитланмайди. Натижада ҳисоб-китобварақ-фактураларга асосан оператор тақдим этган ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномаси ўртасида тафовутлар юзага келади. Мазкур ҳолатда бухгалтерия ҳисобиди тафовутни қандай тўғри акс эттириш лозим?

– Ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномаси – бу тарафлар томонидан тузиладиган ва имзоландиган аниқ шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш. Унга хронологик тартибда шартнома асосида ўтказилган барча пул маблағлари бўйича операциялар, хусусан тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар суммалари киритилади. Далолатномага асосан муайян санада тарафлар ўртасида қарздорлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги аниқланади ва тасдиқланади.

Ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасига бошқа манбалардан эмас, балки ҳисобварақ-фактуралардаги суммалар киритилиши лозим. Уяли операторнинг фаолият юритиш тартиби шундай бўлса, мижозлар билан ўзаро ҳисоб-китобларга доир барча ҳужжатлар биллинг тизимида шакллантирилиши сабабли тизимдаги иш ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма да-

лолатномаси ва ҳисобварақ-фактураларда бир хил суммалар акс эттириладиган тартибда йўлга қўйилиши керак. Сиз иккинчи тараф сифатида ҳисобварақ-фактуралардаги суммалардан фарқ қиладиган солиштирма далолатномани имзоламасликка ҳақлисиз.

Мобил оператор ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасидаги рақамлар тўғри эканлигини қатъий тасдиқлаган тақдирда, у тузатиш киритилган ҳисобварақ-фактураларни тақдим этиши лозим, улардаги суммалар солиштирма далолатномада кўрсатилган суммаларга тенглаштирилади.

Бухгалтерия ҳисобиди ҳисобварақ-фактуралар ва солиштирма далолатномалар бўйича суммалардаги фарқ унчалик муҳим бўлмаса, тафовутни корхонанинг даромадлари ёки харажатларига ҳисобдан чиқариш мумкин.

ШАРТНОМА ТУЗИЛМАГАН БЎЛСА, ҚАРЗНИ ҚАНДАЙ УНДИРИШ МУМКИН

Товар учун 100% олдидан тўлов ўтказилган, лнинг етказиб берилиши 3 ойдан ортиқ вақтдан буён қутилипти, лекин ундан ханузгача дарак йўқ. Бу муддати ўтган дебиторлик қарзи деб ҳисобланадими? Шартнома тузилмаган, бироқ солиштириш далолатномаси мавжуд бўлса, ушбу маблағларни қандай қайтариб олиш мумкин?

Харидорда муддати ўтган дебиторлик қарзи бўлиши мумкинми, бундай мураккаб вазиятдан қандай қилиб минимал йўқотишлар билан чиқиш мумкин деган саволга юридик масалалар бўйича «Norma» эксперти Олег ЗАМАНОВ жавоб берди.

Харидорда муддати ўтган дебиторлик қарзи бўлмайди

Президентнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (12.05.1995 йилдаги ПФ-1154-сон) Фармони 2-бандида белгиланишича, товарлар амалда жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб тўқсон кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисобланади, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Норма аниқ ва лўнда баён этилган. Ундан қуйидаги маъно англашилади: товарлар билан олдидан-соғди қилиш (уларни етказиб бериш), ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш шартномалари бўйича сотувчи (етказиб берувчи), пудратчи ва ижрочида муддати ўтган дебиторлик қарзи юзага келиши мумкин.

Қарама-қарши тарафда (харидор, буюртмачи), яъни ўша шартномалар бўйича тўловчида юзага келади дебиторлик қарзи муддати ўтган деб ҳисобланмайди.

Дебиторлик қарзи	
муддати ўтган деб ҳисобланади	муддати ўтган деб ҳисобланмайди
товарларни юклаб жўнатган, ишларни бажарган ёки хизматларни кўрсатган, бироқ 90 кун давомида ҳақини олмаган бўлсангиз	товарлар, ишлар ёки хизматлар ҳақини тўлаган, бироқ ҳақиқатда уларни олмаган бўлсангиз

Масалага юқорида келтирилган Фармон қабул қилинган даврни инобатга олган ҳолда ёндашилса, мантқиқ кўзга ташланади. Ушбу норма киритилган 1995 йилда бозорда давлат иштирокидаги субъектлар улуши катта бўлган, бутунгиларидан фарқланувчи солиқ солиш қоидалари амал қилган. Тўлов қобилиятига эга бўлмаган истеъмолчиларга қанча кам етказиб берилса, бюджет учун шунча яхши, солиқ тушумлари шунча барқарор бўлган.

Шу тариқа, товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдидан тўлов тўлаш натижасида юзага келган дебиторлик қарзи Бухгалтерия балансининг (1-сон шакл, АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 260-«Маҳсулот етказиб берувчилар» ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300) сатрида асқ этирилади, бироқ 211-сатрда муддати ўтган сифатида кўрсатилмайди. «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар» моддаси бўйича (260-сатр) қонун ҳужжатларига мувофиқ, муддати бир йилдан кам бўлган бўлгуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа корхоналарга тўланган бўнақлар суммаси кўрсатилади (Қоидаларнинг 43-б., АВ 1209-сон



бўйруққа 7-илова). Молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби ва муддатлари Низомда (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган.

Айрим амалдорлар нормани кенг талқин қилиб, уни норманинг ўзида тўғридан-тўғри назарда тутилмаган муносабатларга нисбатан қўллайдилар. Хусусан, берилган пайтидан бошлаб 90 кундан ортиқ вақт ўтган етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўнақ суммаларини муддати ўтган дебиторлик қарзи деб тан олишни талаб қиладилар.

Муддати ўтган дебиторлик қарзи учун БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима белгиланган, у қорхонанинг мансабдор шахсларидан ундирилади. Мазкур тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий судлар ёки иқтисодий низони кўриб чиқиш давомида ҳуқуқбузарлик аниқланган бўлса, иқтисодий судлар кўриб чиқади (МЖТКнинг 175-м. 3-қ., 245-м. 1-қ., 245-1-м.).

Бироқ хусусий ташкилотда муддати ўтган дебиторлик қарзи юзага келган бўлса, 2019 йил 1 январдан санкциялар қўлланмайди (30.10.2018 йилдаги ПФ-5564-сон Фармон 1-б. «а» кичик бандининг 5-хатбоиши). Яъни ташкилот устав капиталида давлат улуши бўлмаса ёки у 50%дан камни ташкил этса, ҳар қандай ҳолатда жарима солмасликлари керак. Таъсис ҳужжатларида маъсуслар таркиби ва устав капитали ҳақидаги маълумотлар бўлади.

Ёдингизда бўлсин, давлат, шу жумладан – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар сизнинг фойдангизга талқин қилиниши керак («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-м.).

Шартномасиз тўланган пулни қандай қилиб ундириш мумкин?

Қонун талабларига қўра юридик шахслар ўртасидаги битимлар ёзма шаклда тузилиши керак. Одатда, мажбуриятлар юзага келиши учун асослардан бири – шартнома тузилади (ФККнинг 108-м. 1-қ. 1-б., 234-м. 2-қ.). Унда битим предмети (сони, сифати, ассортимент, нархи) юзасидан келишувлар, бажариш тартиби ва муддатлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми, низоларни ҳал қилиш тартиби ва бошқа муҳим шарҳлар қайд этилади («Хўжалик юритувчи субъектлар фао-

лиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 10-м.).

Буларнинг баридан шартнома, шубҳасиз, муҳим ҳужжат экани келиб чиқади. У тузилмаса, манфаатларинингизни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш имкони сезиларли даражада камаяди, бироқ уни буткул истисно этмайди. Хатти-ҳаракатларингиз мантиғи ва изчиллигига мавжуд вазиятларга боғлиқ бўлади.

1-вазият.

Шартнома тузилган, бироқ йўқолган

Уни тиклаш мумкин. Контрагентга мурожаат қилинг, йўқолгани ўрнига қўшимча нусхасини расмийлаштиришни сўранг:

- ҳужжати ўзингиз тузган бўлсангиз – базадан унинг электрон вариантини топиб, қоғозга чиқаринг, ўз тарафингиздан расмийлаштиринг ҳамда вазиятга изоҳ берилган илова хат билан контрагентга юборинг;

- шартномани улар тузган бўлсалар, аввалбошдан имзоланган ҳужжат нусхасини ҳам илова қилишларини сўраб, улар айнан бир хиллигига тўлиқ ишонч ҳосил қилинг.

Бундай усулда ҳужжати тиклаб бўлмаслиги – контрагент қайта ташкил этилган, бошқарув органлари таркиби ва тузилмаси ўзгарган, уларнинг номидан шартномаларни имзолаган ходим ишдан бўшаган бўлиши ва х.к. мумкин. Бу ҳолда уларда сакланаётган асл нусхани сўраб олиб, ундан нусха олинг ва уни нотариусда тасдиқлатинг («Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 65-м.; Ўйриқноманинг 16-§, АВ томонидан 4.01.2019 йилда 3113-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Харажатларингиз: давлат бож – ҳар бир саҳифа учун БҲМнинг 2%и, ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча хатти-ҳаракатлар учун тўлов – нотариус кўрсатган суммада.

Биронта вариант иш бермаган бўлса ҳам, шартномани бекор қилиш ва тўланган маблағларни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Унда қўлингиздаги шартнома нусхаси йўқолганини кўрсатинг ва жавобгардан шартномани талаб қилиб олиш ҳақидаги илтимосномани илова қилинг (ИШКнинг 69-м. 3-қ.). Кўрсатилган суммани тасдиқлаш учун тўлов топшириқномаси ва қўлингиздаги ўза-

ШАРТНОМА ТУЗИЛМАГАН БЎЛСА, ҚАРЗНИ ҚАНДАЙ УНДИРИШ МУМКИН

15-бетда

далолатномаси нусхаларини тақдим этинг.

Бунда мурожаат қилиш пайтидаги жарима санкциялари суммасини «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси бўйича ҳисоблаш, ишни судда кўриш чоғида эса шартнома шартлари билан танишиш ва қайта ҳисоб-китоб қилиб, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш мумкин (ИПКнинг 157-м.).

Даъво аризаси берганда шартномани бекор қилишни талаб қилганлик учун давлат божи БХМнинг 10 баравари ва ундирилмаган сумманинг 2%ини (бирок камида БХМнинг 1 бараварини) ташкил этади. Бирок камайганда қайта ҳисоб-китоб қилинмайди («Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 19-м. 8, 9-қисмлари).

Ташкилотингизда шартномаларни бут сақлаш учун масъул бўлган ходимни интизомий жавобгарликка тортиш мумкин (МКнинг 181-м.). Бунда МКнинг 182, 183-моддаларида қайд этилган тартиб ва муддатларга риоя этинг.

2-вазият.

Шартнома тузилмаган, бироқ олдиндан ўзаро хат ёзишганлар

Қонунга кўра хатлар, телеграммалар, телефонграммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва уларнинг хоҳиш-иродаси мазмунини белгилловчи бошқа ҳужжатларни айирбошлаш ёзма шаклда битим тузишга тенглаштирилади (ФКнинг 107-м. 4-қ.).

Сизнинг ҳолатда контрагентнинг хати, масалан, у таклиф этаётган товарлар ассортиментини, нархлар прейскуранти, етказиб бериш тартиби ва шартлари кўрсатилган тижорат таклифининг ўзи етарли. У оферта деб ҳисобланади, сиз тўлаган тўлов эса – унинг акцепти (ФКнинг 367-м. 1-қ., 370-м. 4-қ.).

Ишбилармонлик ёзишмаларида етказиб бериш муддатлари, одатда, кўрсатилмайди. Шу сабабли

ФКнинг 242-моддаси қондасини қўлланг: контрагентга ўз мажбуриятларини бажариши (тўланган суммадаги товарни етказиб бериши) учун ёзма талабнома йўлланг, у 7 кунлик муддат ичида бажарилмаса, – судга мурожаат қилинг.

Бу ҳолда шартномани бекор қилиш ҳақида талаб қўйилмайди, сабаби у тузилмаган. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси асосида пеня ҳисобланади.

Иш берувчи сифатида битимларни кузатиш ва шартномаларни тузиш учун масъул ходимни (масалан, шартнома бўлими менежери) интизомий жазага тортишингиз мумкин.

3-вазият.

Шартнома тузилмаган, ёзишмалар мавжуд эмас

Бу – асоссиз бойишга мисол. Сиз пул ўтказган ташкилот (олувчи) ўтказган пулингизни олишга асоси йўқ, у пулларилингизни қайтариши керак (ФКнинг 1023-м. 1-қ.). Ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасини имзолаган олувчи маблағларни олганлик далилини тасдиқлаган. Ушбу ҳужжат даъво талабларингиз учун асос бўлиб хизмат қилади.

Асоссиз пул бойликлари суммасига бировнинг маблағларидан фойдаланганлик учун фойз ҳисоблашга ҳақлисиз (ФКнинг 1028-м. 2-қ.). Фойзлар миқдори юридик шахс жойлашган жойда мавжуд бўлган банк фойзи ҳисоб ставкаси билан белгиланади (ФКнинг 327-м. 2-қ.). Яъни Марказий банкнинг асосий ставкасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади. Жорий йилнинг 15 апрелидан у йиллик 15%ни ташкил этади. Фойзларни ундириш мумкин бўлган давр – судга даъво аризасини тақдим этгунча пул маблағларини олиш ёки жамғариш асоссиз эканлиги ҳақида олувчи билган ёки билиши керак бўлган вақтдан бошлаб.

Шунингдек ҳеч бир асосларсиз пул маблағларини ўтказган бухгалтернинг жавобгарлиги масаласини ҳам кўриб чиқинг. Агар хўжалик операцияси раҳбарнинг ёзма фармойиши билан амалга



оширилган бўлса, унинг оқибатлари учун раҳбарнинг ўзи шахсан жавобгар бўлади.

МИСОЛ. Бировнинг маблағларидан фойдаланганлик учун фойзларни ҳисоблаш

Асоссиз бойиш суммаси – 1 000 000 сўм. Маблағлардан фойдаланиш даври – 2020 йил 1 февралдан 15 майгача. Фойз ставкаси: 2020 йил 1 февралдан 14 апрелгача (74 кун) – йиллик 16%; 2020 йил 15 апрелдан 15 майгача (31 кун) – йиллик 15%. Тўлашни лозим бўлган фойзларни ҳисоблашда йилдаги кунлар 360 кунга тенг деб қабул қилинади (ОХСПнинг 15.06.2007 йилдаги 163-сон қарори 8-б.). Пул маблағларидан фойдаланганлик учун фойзлар суммаси қуйидаги миқдорни ташкил этади: $(1\,000\,000 \times 16\% : 360 \times 74) + (1\,000\,000 \times 15\% : 360 \times 31) = 45\,805,56$ сўм.

Суд томонидан қабул қилинган пул маблағларини ундириш ҳақидаги қарор қонуний кучга кирганидан кейин ижрога қаратилади. Бунинг учун суд ижро варақаси – суд қарорини мажбурий ижро эттириш учун ҳуқуқингизни тасдиқловчи ҳужжатни беради (ИПКнинг 334-м. 1-қ., 335-м.). Олинган ижро варақасини Мажбурий ижро бюросининг туман бўлимига тақдим этинг. Давлат ижрочеси ва қарздор ўртасидаги кейинги муносабатлар «Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун доирасида йўлга қўйилади.

ҚАНДАЙ АХБОРОТ СОЛИК СИРИ ҲИСОБЛАНАДИ

1-бетда

ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

• чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

• халқаро ташкилотларнинг ҳамда чет эл ННТнинг ваколатхоналари реестрини юритувчи ташкилотлардан олинган халқаро ташкилотлар ҳамда чет эл ННТ тўғрисидаги маълумотлар;

• васийлик ёки ҳомийлик фаолияти ҳамда мол-мулк бошқаруви тўғрисида маълумотлар;

• нотариуслардан олинган кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари, меросга эгаллик қилиш шартномалари ҳақидаги

маълумотлар;

• патентлар беришни амалга оширувчи органлардан олинган чет эллик фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга ишлаш учун рухсатномалар тўғрисидаги маълумотлар;

• Марказий депозитарийдан олинган кимматли қоғозлар бўйича битимлар тўғрисидаги ахборотлар;

• божхона органларидан олинган экспорт-импорт операциялари тўғрисидаги ахборотлар;

• Интернет миллий сегментининг домен номлари тизимини белгилловчи органлардан олинган домен номларининг маълумотлари тўғрисидаги ахборотлар.

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)

асосида амалга оширилади. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

Солиқ сирини ўз ичига олган маълумотлар ошқор қилинмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Солиқ органларига маълумотлар тақдим этувчи органлар ва муассасалар ўзаро ҳамкорлиқни СКнинг 133-моддасига асосан ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда электрон тарзда амалга оширилади.

Жинойт-процессуал кодексининг 201-моддасига асосан судларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга уларнинг сўровига асосан солиқ сирини ташкил

этувчи маълумотлар тақдим этилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тижорат ташкилотларига солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар фақатгина солиқ тўловчиларнинг розилиги билан тақдим этилиши мумкин.

Солиқ тўловчи контрагентларни танлаш чоғида улар тўғрисидаги солиқ сирини ҳисобланмайдиган маълумотларни ўз шахсий кабинетлари орқали олишлари мумкин.

Учинчи шахс томонидан солиқ органларидан олинган бarchа маълумот ва ахборотлар солиқ сирини ҳисобланади ҳамда улардан фақат хизмат доирасида фойдаланилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.05.2020 йилдан кучга кирди.

Лола АБДУАЗИМОВА.

СОЛИК 4 БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Моллиявий-иқтисодий, ахборот-хуқуқий газета

ТАЪСИСЧИ

«Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС
Таҳририят: (71) 200-00-90;
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.